

علم اور گناہیں پر ہر مسلمان اور چون و مرضدور

السلام



7 сон, Рабиу`ул-Сани

Ойлик ижтимоий-маърифий электрон журнал



Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:
«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:
«Уч нарса борки, улар кимда бўлса, Иймон ҳаловатини топади:
Аллоҳ ва Унинг Расули унинг учун икковларидан ўзга ҳамма
нарсдан маҳбуб бўлмоқлари, бир кишига фақат Аллоҳ учунгина
муҳаббат қилмоғи ва куфрга қайтишни худди оловга ташланишни
ёмон кўргандек ёмон кўриши», дедилар».

www.islom.uz

Таҳрир ҳайъати:

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф (раис)
Тоҳир Малик, Эркин Малик, Абдулҳамид Турсун,
Муҳаммад Айюб Усмон, Муҳаммад Зуфар,
Озод Мунаввар, Исмоил Муҳаммад Содиқ
Анвар Аҳмад

«Ҳилол» ойлик электрон журнали.
Муассис: «Ҳилол» нашриёти (Москва)

Бош муҳаррир:
Бош директор:

Аҳмад Муҳаммад
Абу Муслим

ОЛДИН ЎЗИМИЗНИ ЎНГЛАЙЛИК...

Яқинда устозлардан бири бундай зорланиб қолди: «Ҳозирги ёшлар жуда эътиборсиз, лоқайд бўлиб кетяпти, куйиб-пишиб гапираману ҳаммасининг хаёли бошқа ёқда, мени мутлақо эшитгиси келмайди». Ўйланиб қолдим: «Нега нотик ўз сўзини тингловчига етказа олмайди? Нима учун устоз ўз фикрини талабасига уқтира олмаяпти? Не сабабдан хонадон бошлиғи гапини оила аъзоларига ўтказа олмайди? Ҳозирги пайтда одамларнинг «гапуқмас» бўлиб кетаётгани сабаблари қаерда?»

Бунинг илдизларини сал олисроқдан, солиҳ аждодлар тажрибасидан ахтаришга тўғри келади.

Бир киши Абул Қосим ал-Ҳакимдан сўради: «Олдинги замондаги олимларнинг панд-насиҳатлари одамларга таъсир қилардию, нега ҳозирги олимларники таъсир этмайди? Ҳакимнинг жавоби жуда маънодор бўлди: «Илгари замонда олимлар уйғоқ, одамлар уйқуда эдилар. Уйғоқ киши уйқудагини уйғота олганидек, уларнинг панд-насиҳатлари ҳам одамларга таъсирини ўтказар эди. Бугунги кунда эса олимлар уйқуда, одамлар эса ўлик. Ўзинг айт-чи, уйқудаги кимса ўлиқни тирилтира оладими?»

Яна бир солиҳ зотдан: Нима сабабдан гапларимиз олдингиларникидек таъсирчан ва фойдали эмас», деб сўрашибди. У бундай жавоб қилган экан: «Чунки улар Ислому азизлиги, нафслар нажоти, Раҳмон розилиги учун гапиришган. Бизлар эса, нафслар азизлиги, бойлик талаби ва ҳалойиққа ёқиш учун гапирармиз. Аввалгилар ҳол тили (яъни юриш-туришлари) билан ваъз-насиҳат қилишган, бизлар эса қуруқ гапни сўзлаймиз».

Энди бир мулоҳаза қилинг: сиз олий ўқув юртида талабаларингизга ҳалоллик, ўзгалар ҳақини поймол қилмаслик ҳақида соатлаб ваъз ўқисангизу аммо ўзингиз талабалардан пора олсангиз, гапингизнинг самараси ва таъсири бўлармикин? Маҳалла-кўйда ахлоқ-одоб ҳақида тинмай одамларга панду насиҳат қилсангизу аммо ўзингиз ахлоқсиз бўлсангиз, одоб қоидаларига риоя этмасангиз, насиҳатингиз одамларга етиб борармикин? Масжид меҳробидан туриб қавмга ваъдага вафо қилиш ҳақида хитоб қилсангизу аммо ўзингиз ваъдангизни бажармасангиз, сўзларингизнинг эътибори бўлармикин?

Ёки оилавий муносабатларни олиб кўринг. Бола улғайиш жараёнида ҳамма нарсани асосан атрофидаги катталардан ўрганади. Улардан ибрат олишга, уларга тақлид қилишга интилиб, ҳаётий тажриба орттиради. Энди ўзингиз қўпол ва бадхулқ бўлсангизу, болангизни чиройли ҳулқли ва одобли қилиб тарбиялайман, деб ўйласангиз, хато қиласиз. Агар ўзингиз чексангиз ёки ичсангизу, фарзандингизни бу ёмон иллатлардан

қайтараман десангиз, умидингиз ва ҳаракатларингиз пучга чиқади. Агар ўзингиз ёлғон гапирсангиз ёки алдоқчи бўлсангиз, болангиздан ростгўйлик ва омонатдорлик кутиб овора бўлманг.

Инсонлар билан ўзаро мулоқотларда ҳам олдин ўзингиз сўзлашиш, баҳслашиш одобларини ўрганиб олинг. Одамлар билан сўзлашаётганда, айниқса баҳсга киришганда «мен ҳаммасини биламан» дея эмас, «суҳбатдошим ҳам кўп нарсани билиши мумкин» деган кайфият устун бўлсин. Заруратсиз баҳс-мунозаралар, ўз фикрини зўрлаб ўтказиш ёки тасдиқлатиш учун ури-нишлар, сўзамоллик, маккорлик, ҳийлакорликни ишга солиб бошқалардан устунликка эришиш ёки зулм қилиш энг ёмон иллатлардандир. Бу йўл билан бошқаларни мағлуб қилишни ўйлаган кимсанинг ўзи ютқазади. Буюк мутафаккир Абу Ҳомид Ғаззолий айтганидай, «Баҳс-мунозара – ўзингни билимдон қилиб кўрсатиб, бошқаларни таҳқирлаш ниятида хатосини изҳор этиб, таъна қилишингдир».

Ўз фикрингизни, тутган йўлингизни ёки қилмишларингизни ҳақ санаб, бошқаникидан устун қўйишингиздаги тортишувлар ҳам сизга яхшилик келтирмайди, бошқалар кўз ўнгида обрўйингизни тўкиб қўяди. Агар бу тортишув ҳақиқатни аниқлаш ва уни қарор топтириш учун бўлса нур устига нур бўларди. Аммо у ҳаққа қаршилиқ кўрсатиш учун ёки ҳақни англамай туриб қилинган бўлса, бундай тортишувдан узоқроққа қочган маъқул.

Ҳар бир инсон бошқаларга фикрини етказиш ёки таъсир ўтказишдан олдин ўзи шу ишга муносиб ёки муносиб эмаслиги ҳақида бир ўйлаб кўрсин. Жаҳон мутафаккирларининг ҳам тавсияси шу. «Инсоннинг энг катта камчилиги ўзининг эмас, ўзганинг камчилигини санашни афзал билишидир», деган Жон Милтон. Хитой донишманди Лао Сзининг эса мана бундай гапи бор: «Билувчи сўзламайди, сўзлагувчи билмайди». Қадимни юнон файласуфларидан Дмокрит эса бундай дейди: «Ўзгалар устидан ҳукмронлик даъво қилувчи одам олдин ўзини бошқара билиши даркор».



ОХИРАТДАН УМИДВОРЛИК

«Аллоҳга рўбарў бўлишни ёлғон деганлар, шубҳасиз, зиёнга учрадилар. Ҳатто тўсатдан қиёмат келиб қолганида устларига гуноҳларини орқалаб олган ҳолларида: «У (дунё)да қилган камчиликларимизга ҳасрат-надоматлар бўлсин», дерлар. Улар орқалаган нарса қандай ёмон-а!»

(Анъом, 31).

Аллоҳга рўбарў келиш қиёматда рўй беради. Қиёматни ёлғон деганлар, унга ишонмаганлар Аллоҳга рўбарў бўлишни ёлғонга чиқарган бўладилар. Бу эса, бу дунёю у дунёда уларнинг ўзига катта зиён еткази.

«Аллоҳга рўбарў бўлишни ёлғон деганлар, шубҳасиз, зиёнга учрадилар».

Оятнинг асосий мақсади охиратда етадиган зиённи васф қилишдир. Уларнинг ҳоли кишилар онгига кучли таъсир этадиган услубда, бадиий бўёқлар билан таъриф этилмоқда. Гўё гуноҳлар зил оғир бир жисмдир-у, гуноҳкор уни орқасида кўтариб юриши керак.

«Қачон тўсатдан қиёмат келиб қолганда, устларига гуноҳларини орқалаб олган ҳолларида...». Қиёмат

قَدْ خَسِرَ الَّذِينَ كَذَّبُوا بِلِقَاءِ اللَّهِ حَتَّىٰ إِذَا جَاءَهُمُ السَّاعَةُ بَغْتَةً قَالُوا
يَحْسِرُنَا عَلَىٰ مَا فَرَطْنَا فِيهَا وَهُمْ يَحْمِلُونَ أَوْزَارَهُمْ عَلَىٰ ظُهُورِهِمْ أَلَا
سَاءَ مَا يَزُونُ

тўсатдан қоим бўлди. Унда бўлиши лозим бўлган ҳамма ҳодисалар юзага чиқди. Барча одамлар маҳшар майдонига тўпланмоқдалар. Ҳамма бу дунёда қилган амалига мувофиқ турли ҳолатда. Қиёмат кунини ва Аллоҳга рўбарў келишни ёлғон деганлар гуноҳларини орқалаган ҳолларида келмоқдалар. Афтидан, улар бу ҳолга тушишларини кутмаганга ўхшайдилар. Бошлари-га тушган кўргулик боис у дунёда қилган амалларига афсус-надомат чекмоқдалар. Гуноҳларини орқалаган ҳолда жим кетмасдан:

«У (дунё)да қилган камчиликларимизга ҳасрат-нидоматлар бўлсин», деб сўзлаб бормоқдалар.

Улар бу даҳшатли кунда орқалаб кетаётган нар-

са нима? Одатда, жамоатлар тўпланадиган жойларга одамлар совға-саломлар, кўз ва дилни қувонтирадиган гўзал нарсалар олиб борар эдилар. Аммо бу осийлар фоний дунёда қилган гуноҳларини орқалаб кетмоқдалар:

«Улар орқалаган нарса қандай ёмон-а!».

Машҳур муфассирлардан ас-Суддий бу ояти каримани қуйидагича тушунтирганлар: «Ҳар бир золим қабрга кирганда, албатта, унинг олдида бадбашара, қора рангли, сассиқ ҳидли ва ифлос кийимли бир кимса келади. Қабрда икковлари ёлғиз қолади. Шунда золим:

«Бунча ҳам бадбашарасан?» деб сўрайди.

«Сенинг амалларинг ҳам бадбашара эди», дейди бояги иркит одам.

«Мунча ҳам ҳидинг сассиқ?» дейди золим.

«Сенинг амалларинг ҳам шунга ўхшаш сассиқ эди», дейди у.

«Кийимларинг бунча ифлос?» дейди золим.

«Сенинг амалларинг ҳам шунга ўхшаш ифлос эди», дейди у.

«Сен кимсан?» деб сўрайди золим.

«Қилган амалингман», деб жавоб беради у ва бир-галикда қабрда қолади. Қиёмат кунини золим қайта тирилтирилганда амали унга: «Мен сени у дунёда лаззат ва шаҳватлар билан кўтариб юрган эдим. Энди бугун сен мени кўтарасан», дейди ва ортига миниб олади. Сўнг уни ҳайдаб дўзахга олиб боради».

Ушбу оятдан ва унинг тафсирида айтилган ҳикматлардан «Ёшлигингда ўйнаб қол, гуноҳ нима қилади» деган шиор ила ялло қилиб юрган кофиру мушриклар огоҳ бўлишлари керак.

Қиёмат кунини, Аллоҳга рўбарў бўлишни инкор этиш ҳам, асосан, юқоридагига ўхшаш бемаҳни шиорларга муккасидан кетишдан келиб чиққан бўлса, ажаб эмас. Қиёматга ишонмаслик икки дунё учун ҳам кони зиён бўлганидан, Исломи динида унга иймон келтириш ақийданинг асосий руки деб тайин этилган. Қиёматга иймони йўқ одам, агар бошқа барча зарурий ақийдаларни ўрнига қўйса ҳам, мўмин-мусулмон бўла олмади.

Инсонларнинг қиёматга нисбатан иймони, қайта тирилиш, ҳисоб-китоб, мукофот ва жазога нисбатан ишончи туфайли ҳаёт, одоб-ахлоқ, яхшилик-ёмонлик ва бошқа ҳодисаларга муносабати шаклланади.

Қиёматга иймони йўқ кофирлар, ҳаёт фақат бу дунё ҳаётидан иборат, қайта тирилиш йўқ, деган тасаввур асосида яшайдилар. Улар эслари кириб, то қариб ҳеч бир нарсага ярамай қолгунларигача кечган арзимаган вақтни ҳаёт деб тушунадилар. Уларнинг тасаввури ердаги ҳаётга мустаҳкам ёпишиб қолган. Тасаввуридаги беш кунлик ҳаётда кўпроқ маза қилиб олишга ҳаракат қилдилар. Улар тафаккур уфқи доиралари жуда ҳам тор кишилардир. Уларнинг ҳаёти ҳам ўша тасаввурларига мос низоҳатда тор. Умрлари вақт нуқтаи назаридан, бир кишининг ҳаётига тенг келади ёхуд келмайди. Макон жиҳатидан ўзлари яшаган жамиятдан ташқарига чиқа олмайдилар. Муомала жиҳатидан эса, қисқа муддатда, тор маънода кўрганлари билан

бўлади, холос. Шунинг учун ҳам, ўз мақсадларига эришиш — маза қилиб қолиш учун барча қабихликни киприк қоқмай қила берадилар. Қиёматга, охират дунёсига, қайта тирилишга, ҳисоб-китобга ишонмаганларидан кейин улардан бошқача тасаввурни кутиб ҳам бўлмайди.

Қиёмат кунига, қайта тирилиш, ҳисоб-китоб, мукофот ва жазога иймон келтирган мўмин-мусулмон тасаввурида эса, ҳаёт тамоман бошқача бўлади. У, ҳаётни фақат бу дунё ҳаёти деб эмас, балки, ҳам бу дунё, ҳам у дунё ҳаётидан иборат деб, тушунади. Унинг эътиқоди бўйича, ҳаёт беш кунлик эмас, бир кишининг умрига, бир қавмнинг умрига ёки бу дунёнинг муддатига тенг эмас, ушбу қисқа вақт билан чегараланиб қолмайди. Балки, унинг назарида, дунёвий ҳаёт муддати ухровий ҳаёт муддати олдида беш кунлик бўлиб қолади. У дунё ҳаётини замон чегаралай олмади. Қиёматга, охиратга иймони борлиги учун унинг тафаккур уфқи доираси жуда кенг бўлади.

Мусулмон инсон тасаввурида ҳаёт макон жиҳатидан ҳам чексиздир. Унинг ҳаёти фақат ер курраси доираси билан чегараланиб қолмайди. Балки, бу коинотдан ўтиб, кенглиги осмонлару ерга тенг бўлган жаннатда ҳақиқий боқий ҳаёт кечиришига ишонади.

Мўмин инсоннинг ҳаётини муносабатлари атрофидagi шахслар билангина чегараланиб қолмайди. У, Аллоҳ таоло, фаришталар, барча ўтган мусулмон умматлар, келажак мўминлар ва жаннатдагилар билан алоқадор бўлади. Шунинг учун ҳам, мусулмон ҳаётини доимо яхшиликлар билан тўқис этишга ҳаракат қилади.

Исломида, бошқа ботил динлардаги каби, жаннат ҳаётини кўзлаб, бу дунёни азоб-уқубатда ўтказиш керак, деган тушунча ҳам йўқ. Балки, у дунёда яхши ҳолатларга эришиш учун бу дунёни яхши ўтказиш мўминга шарт қилиб қўйилади. Қуръони каримнинг аксар ояти карималарида: «Бу дунёдаги насибанг-ни унутма», дейилади. Исломида бу дунё охиратнинг экинзорига ўхшатилиши бежиз эмас. Бу дунёдаги экинзорга ким эзгулик уруғини қадаса, яхшилаб парвариш қилса, у дунёда яхши ҳосил олади. Бинобарин, инсон бу дунёда фақат яхши амалларни қилмоғи, ер юзида иймон, Исломи, адолат ҳукм суриши учун, зулм, истибдод ва ёмонликка қарши курашмоғи лозим. Ана шундагина охират ҳаётидан — жаннатдан умидвор бўлса бўлади. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳадиси шарифларидан бирида: «Агар бирингизга қиёматнинг хабари келса, қўлида кўчат турган бўлса, уни экиб қўйсин», деганлар. Исломида бу дунёнинг ободлигига шу даражада эътибор билан қаралади. Исломи руҳини тушунмайдиган баҳзи бир шахслар ёки авлодлар тасаввурига қараб, бутун бошли илоҳий динга нисбатан ҳукм чиқаравермаслик керак. Шу билан бирга, инсон нафси бу дунёга доимо қизиқиб туриши эътиборидан Қуръони карим мувозанатни сақлаш учун кўпроқ зуҳд ва тақвога чақириб, дунё ҳаётига ортиқча берилмасликка даъват этиб туради.

(«Тафсири Ҳилол», 2-жуз, 177-179-бетлар).

ШУБҲАЛАРДАН САҚЛАНИШ ПОКЛАНИШДИР!

Нўмон ибн Башир розияллоху анҳудан ривоят қилинади: «Набий соллаллоху алайҳи васаллам: «Албатта, ҳалол очиқ-ойдиндир, ҳаром ҳам очиқ-ойдиндир ва иккови орасида шубҳали нарсалар бордир. Уларни кўп одамлар билишмайди. Демак, ким шубҳалардан сақланса, дини ва обрўси учун покланган бўлади. Ким шубҳаларга тушса, ҳаромга тушади. Бу худди қўриқхона атрофида (ҳайвон) боққан чўпонга ўхшайди, ундан ўтлатиб қўйиши осон.



Огоҳ бўлинки, ҳар бир подшоҳнинг ўз қўриқхонаси бордир. Огоҳ бўлинки, Аллоҳнинг қўриқхонаси Унинг ҳаром қилган нарсаларидир. Огоҳ бўлинки, жасадда бир парча гўшт бор, у соғлом бўлса, жасаднинг ҳаммаси соғлом бўлур, у касал бўлса, жасаднинг ҳаммаси касал бўлур. Огоҳ бўлинки, ўша нарса қалбдир», дедилар».

Шарҳ: Бу ҳадиси шариф энг улуғ ҳадислардан, унинг улуғлиги шундаки, Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васаллам унда ёмоқ, ичмоқ, киймоқ, никоҳдаги ва бошқа ҳамма соҳалардаги нарсаларнинг ҳалол бўлиши қондасини баён қилиб берганлар.

Шунингдек, у зот бу ҳадисда ҳаром нарсаларни ҳам баён қилиб, ҳалолга уриниш, ҳаромдан ҳазар қилишга чақирадилар. Шу билан бирга, ҳалол билан ҳаромнинг ўртасида шубҳали нарсалар борлигини, ким дини ва обрўсини пок сақлай деса, шубҳали нарсалардан эҳтиёт бўлиши зарурлигини таъкидладилар. Шубҳали нарсаларга яқинлашиш, худди подшоҳ ўзи учун хос қилган қўриқхона ёнида ҳайвон боқишдек хатарли эканини баён қилдилар.

Сўнигида эса бу жабҳада энг муҳим масала — қалб масаласи эканини, ҳалол-ҳаромда қалб соғлом бўлиши лозимлигини тушунтирадилар.

Имом Ибн Арабий: «Биргина ушбу ҳадиснинг ўзидан ҳамма аҳкомларни чиқариб олиш мумкин», деганлар. Имом Қуртубий эса: «Бу ҳадис ҳалол ва бошқа нарсаларни батафсил равишда ҳамда барча амаллар қалбга боғлиқ эканини ўз ичига олгандир. Шунинг учун ҳам барча аҳкомларни унга қайтариб солиштириб қўриш мумкин», деганлар.

Энди ҳадиси шарифни таҳлил қилиб чиқайлик: «Албатта, ҳалол очиқ-ойдиндир». «Ҳалол» сўзи луғатда «тугунни ечиш» маъносини билдиради. Шариатда эса, ҳаромлик тугуни ечилган, яъни, ҳаромлик сифати йўқ нарсага ҳалол деб айтилади. Чунки ҳаром нарсанинг ман қилиш тугуни бўлади. Ҳалол нарсада ана ўша тугун бўлмайди.

Ҳадиси шарифда ҳалол очиқ-ойдиндир, дейилиши жуда кенг маънони англатади. Аввало, нималар ҳалол экани очиқ-ойдин: сув, сут, мева сувлари каби ичимликлар, нон, мева, полиз экинлари, Аллоҳнинг исми айтиб сўйилган ҳалол ҳайвонлар гўштлари, рухсат берилган кийимлар ва никоҳга олинган аёллар ҳалолдир.

Қолаверса, ушбу нарсаларга ишончли, шариатда рухсат берилган йўл билан эга бўлиш лозим. Ҳалол касб деганда, айнан шу маънода, яъни, ҳалол нарсага ҳалол йўл билан эга бўлиш ҳақида гап бормоқда. Бу ҳолат ҳам очиқ-ойдин, уни ҳамма билади. Ҳалол меҳнат, мерос, ҳадя, икки тараф розилиги билан бўлган тижорат туфайли қўлга кирган мулк ҳалол бўлади. Бу оддий ҳақиқатни билиш учун алоҳида тайёргарлик қўришнинг кераги йўқ. Мусулмон одам учун ҳалол нарсани талаб қилиш, ҳалолдан молу мулк топиш фарз ҳисобланади. Уламопаримиз ушбу ҳадиси шариф баъзи бир жоҳилларнинг дунёда сув ва набототдан бошқа ҳалол нарса қолмади, дейишларига раддиядир, шубҳа ва ҳаромнинг доирасини кенгайтириш жоҳиллик ва илмсизлик аломатидир, деганлар.

Ўтган далил ва ҳужжатлардан келиб чиқиб, уламопаримиз ўзига ҳаромлик сифати илашмаган ва касб

қилиш сабабига ҳаром ёки макруҳ иш аралашмаган нарсани мутлақ ҳалол, деб таърифлайдилар.

Демак, мусулмон киши ўзи ҳалол бўлган нарсани шариатда ҳалол қилинган йўл билан топиб фойдаланиши керак. Аллоҳ таолонинг амри шу. **Аллоҳ таоло:** «Эй одамлар! Ер юзидagi нарсалардан ҳалол-покларини енглар. Ва шайтон изидан эргашиманглар, чунки у сизларга очиқ душмандир», дейди (Бақара, 168).

Ейдиган нарсанинг ҳалол бўлишига Исломи динида катта аҳамият берилади. Жумладан, ушбу оятда ҳам бу нарса алоҳида таъкидланмоқда. Ўтган аҳли солиҳларимиздан Саҳл ибн Абдуллоҳ: «Нажот уч нарсада: ҳалол ейиш, фарзларни адо этиш ва Пайғамбар алайҳиссаломга эргашишдир», деганлар.

Ояти каримада ҳалол ризқларни ейишга зид қилиб шайтоннинг изидан эргашиш саналмоқда. Яъни бу, шайтоннинг йўлида юрганларгина ҳалол емайдилар, дегандир. Шайтон инсонларга ҳалол едирмаслик билан уларни Аллоҳ таолонинг итоатидан чиқаради. Шайтонга алданган нодон инсон эса ҳалол-ҳаромни фарқламайди, улкан гуноҳ қилаётганини ўзи билмайди, ҳатто ҳис этмайдиган даражага тушади. Унга ҳаромни емасликни насиҳат қилсангиз: «Нима бўпти есам?» дейди. Мана шу ҳоли унинг шайтонга қул эканига бир далилдир.

Аллоҳ таоло Моида сурасида: «Эй иймон келтирганлар! Аллоҳ сизга ҳалол қилган пок нарсаларни ҳаром қилманг. Ҳаддингиздан ошманг. Албатта, Аллоҳ ҳаддидан ошувчиларни севмас. Ва Аллоҳ сизга ризқ қилиб берган ҳалол-пок нарсалардан енглар. Ўзингиз ишонган Аллоҳга тақво қилинг», дейди (87-88-оятлар).

Бу ерда покиза ва ҳалол нарсаларни ҳаром деб ҳукм чиқариш мумкин эмаслиги таъкидланмоқда. Чунки ҳукм чиқариш, жумладан, нима ҳалолу нима ҳаромлигининг ҳукмини чиқариш ҳам Аллоҳ таолонинг Ўзигагина хосдир. Аллоҳ ҳалол деган нарсани ким «ҳаром» деса ёки Аллоҳ ҳаром қилган нарсани ким «ҳалол» деса, кофир бўлади. Бундай одам Аллоҳнинг илоҳлик сифатига, яъни, шариат ҳукмларини чиқариш сифатига шерик бўлишга уринган ҳисобланади.

Шунингдек, бир киши ўзи учун ҳам бундай ҳукмни чиқариб, диндорлик сифатини зиёда қилишга уринса ҳам нотўғридир. Бундай иш динда ҳаддан ошиш ҳисобланади. Ушбу оятнинг нозил бўлиш сабаби ҳам буни таъкидлайди.

Имом Ибн Жарир Табарий қуйидагиларни ривоят қилади: «Расулulloҳ соллаллоху алайҳи васаллам бир кун итириб одамларга насиҳат қилдилар, аммо ортиқча қўрқитмадилар. Сўнгра туриб кетдилар. Шунда у кишининг саҳобаларидан баъзилари: «Агар янги бир иш қилмасак, нима деган одам бўламиз. Насоролар ўзларига бир қанча нарсаларни ҳаром қилишган, биз ҳам ҳаром қилайлик», дейишди. Баъзилари ўзига гўшт ейишни ҳаром қилди, баъзилари соннинг юқори қисмини ейишни ҳаром қилди. Бошқалари кундузи овқат ейишни, яна бошқаси аёлларни ўзларига ҳаром қилди. Бу гап Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи ва-

салламга етиб борганида: «Аёлларни, таомни ва уйқуни ўзига ҳаром қилганларга нима бўлди?! Огоҳ бўлинглар, мен ухлайман ҳам, бедор ҳам бўламан, рўза ҳам тутаман, оғзим ҳам очиқ бўлади. Аёлларни никоҳимга ҳам оламан. Ким мендан ўзини тортса, у мендан эмас», дедилар. **Шунда Аллоҳ таоло:** «Эй иймон келтирганлар! Аллоҳ сизга ҳалол қилган пок нарсаларни ҳаром қилмангиз. Ҳаддингиздан ошманг», оятини нозил қилди.

Аллоҳ таоло Ўзи белгилаб берганидан кам ишни қилиш нуқсон ва гуноҳ бўлганидек, Унинг белгилаб берганидан ортиқча қилишга уриниш ҳам тажовузкорлик ва гуноҳ ҳисобланади. Шу қоидага кўра, Аллоҳ таоло ҳалол қилиб қўйган нарсани ўзига ҳаром қилиб, ўзини ўша нарсадан тийиш билан гўё Аллоҳга қурбат ҳосил қилишга уриниш ҳам гуноҳдир. Чунки ҳалол ва ҳаром қилувчи ягона Зот Аллоҳ таолонинг Ўзидир.

Имом Бухорий ва Имом Муслимлар Анас розияллоху анҳудан қилган ривоятда қуйидагилар айтилади: «Уч кишидан иборат бир гуруҳ Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васалламнинг жуфти ҳалоллари олдига у зотнинг ибодатлари ҳақида сўраб келишди. Бу ҳақда хабар берилганида Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васалламнинг ибодатлари уларга оз кўринди ва «Расулulloҳ соллаллоху алайҳи васаллам қаёқдалару, биз қаёқдамиз, у зотнинг олдинею кейинги гуноҳлари мағфират қилинган», дедилар. Битталари: «Мен энди доимо кечаси билан намоз ўқиб чиқаман», деди. Иккинчиси: «Мен доимо рўза тутаман, оғзим очиқ юрмайман», деди. Учинчиси эса: «Мен аёллардан четда бўламан, ҳеч уйланмайман», деди. Расулulloҳ соллаллоху алайҳи васаллам уларнинг олдига келиб: «Сизлар шу-шу гапларни айтдингизми? Аллоҳга қасамки, ичингизда Аллоҳдан энг кўп қўрқувчингиз менман ва Унга энг кўп тақво қилувчингиз ҳам менман. Лекин мен рўза ҳам тутаман, оғзим очиқ ҳам юраман. Намоз ҳам ўқийман, ухлайман ҳам, аёлларга уйланаман ҳам. Ким суннатимдан ўзини тортса, мендан эмас», дедилар.

Шу билан Аллоҳ таоло ҳалол қилган нарсаларни ўзига ҳаром қилиб онт ичиш ёки вазифа қилиб олиш бекор қилинди. Ҳамда ҳеч кимнинг Аллоҳ таоло ҳалол қилган нарсаларни ҳаром қилишга ҳаққи йўқлиги таъкидланди.

Яна ҳадиси шарифнинг шарҳига қайтамыз. «Албатта, ҳаром очиқ-ойдиндир». Яъни, махфий ёки билиб олиш қийин нарса эмас. «Ҳаром» луғатда ман қилишни англатади. Шариатда эса, ҳеч қандай шубҳасиз, очиқ-ойдин равишда ман қилинган нарса ҳаромдир.

Буни ҳам билиб олиш учун алоҳида тайёргарлик қўришнинг кераги йўқ. Ароқ, нажосат тушган сув каби ичимликлар, чўчка гўшти, Аллоҳнинг исми айтилмай сўйилган ҳайвонлар гўшти, эркак кишиларга ипак кийимлар ва никоҳида бўлмаганлар ила жинсий алоқада бўлиш кабилар ҳаромдир.

Шу билан бирга, ўзи ҳалол бўлган нарсаларга шариатда ман қилинган йўл билан эга бўлса, улар ҳам

ҳаромга айланиб қолади. Мисол учун, зулм, ўғрилик, рибохўрлик, алдамчилик, порахўрлик йўли билан топилган ҳар бир нарса, ўзи қанча пок бўлса ҳам, топувчига ҳаромдир.

Шунинг учун ҳам уламоларимиз мутлақ ҳаромни, ўзида ҳаромлик сифати бор ёки ман қилинган йўл билан топилган нарсадир, деб таъриф қиладилар. Мусулмон киши учун ҳаромдан ҳазар қилиш фарз-дир. Аллоҳ таоло мўмин-мусулмонларни ҳаром йўл билан бировнинг молини ейишдан қатъий равишда қайтарган. **Аллоҳ таоло Бақара сурасида:** «*Бир-бирларингизнинг молларингизни ботил йўл билан еманг. Билиб туриб одамларнинг молларидан бир қисмини ейишингиз учун ҳокимларга гуноҳкорона ташламанг*», деган (188-оят).

Бу ояти каримада Аллоҳ таоло мусулмонларни бир-бирларининг молини ботил — ҳаром йўл билан емоқдан қайтармоқда. Ушбу ояти каримани тушунтириш учун Абдуллоҳ ибн Аббос розийаллоҳу анҳу: «Бу бир одам қарздор бўлади, лекин ўзига қарши ҳужжат йўқлигидан фойдаланиб, у молни олганидан тонади, дегани. Бировнинг молини ҳаромдан еб, гуноҳкор бўлаётганини билиб туриб, ҳокимга арз қилади», деган эканлар.

Гўё ҳоким ҳукм қилса, гуноҳ гуноҳликдан тушиб, ҳаром мол ҳалолга айланиб қоладигандек. Ҳолбуки, ҳокимнинг ҳукми ила ҳалол ҳаром бўлиб қолмайди ёки аксинча бўлмайди. Балки ҳамма нарсани кўриб-билиб турувчи Аллоҳ таолонинг ҳукми билан ҳалол ёки ҳаром бўлади. Ҳоким ҳамма нарсани кўра олмайди, била олмайди. У сиртдан кўрганига, талашаётганларнинг гапига, уларнинг ҳужжатига қараб ҳукм чиқаради.

Имом Бухорий Умму Салама розияллоҳу анҳодан ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз алайҳиссалом: «Мен бир одамман, холос. Талашганлар ҳузуримга келадилар. Баъзилари бошқаларидан кўра ҳужжатини яхшироқ кўрсатиши, мен эса унинг фойдасига ҳукм қилишим мумкин. Кимга бир мусулмоннинг ҳақидан ҳукм қилиб берсам, у дўзах ўтидан бир бўлақдир. Хоҳласа олиб, хоҳласа қолдириб кетсин», деганлар.

Зоҳирга қараб ҳукм чиқаргани учун ҳоким гуноҳкор бўлмайди. Имом Қуртубий «Оятдаги «ботил йўл билан емаслик»ка ҳаромнинг барча турлари: қимор, алдамчилик, ҳаром нарсаларни сотиб мол топиш, ҳаром касбларни қилиб мол топиш ва бошқалар кирadi», деганлар. **Аллоҳ таоло Оли Имрон сурасида эса:** «*Эй иймон келтирганлар! Рибони бир неча баробар қилиб еманг. Аллоҳга тақво қилинг, шоядки нажот топсангиз*», деган (130-оят).

Ҳофиз ибн Касир раҳматуллоҳи алайҳ ривоят қилишларича, берилган қарзнинг муддати тугаб қолганда қарз берувчи қарздорга: «Ёки қарзингни тўла ёки рибони кўпайтир», дер экан. Тўласа, тўлади, бўлмаса, қарз муддатини чўзиш эвазига рибонинг миқдорини ҳам кўпайтирар экан. Ҳар йили шундай бўлавергандан кейин рибо бир неча баробарга кўпайиб кетаркан. Ушбу ояти каримада ўша ҳолат муолажа қилинмоқда.

Нафси бузуқ баъзи кимсалар бу оятни ушлаб олиб, Аллоҳ таоло Қуръони каримда: «Рибони бир неча баробар қилиб еманг», деган, демак, бир неча баробар оширмай, маълум фоиз еса бўлаверади, деган даъволарни ҳам қилишади. Бу даъволар жоҳиллик иллатидир, Аллоҳ таоло ҳаром этган нарсани ўзига ҳалол қилиб олиш йўлидаги ғаразли ҳаракатдир. Ҳолбуки, ояти карима воқелиқдан келиб чиқиб, жоҳилият даври-нинг энг ёмон одатларидан бирини аста-секинлик билан муолажа этмоқда. Албатта, Аллоҳга тақво қилган ва бу дунёю у дунёда нажот топишдан умидвор бўлган одамлар рибохўрлик қилмайдилар.

Айниқса, мусулмон киши ҳаром йўл билан молу дунё касб қилишдан худди чўчқанинг гўштини ейишдан ҳазар қилгандек ҳазар қилиши керак. Ҳаром йўл билан молу дунё топган одам икки дунёда шарманда бўлади. Бу дунёда азоб-уқубат, турли бало-офатларга йўлиқиб, у дунёда жаҳаннам ичида туриб, қорнига таом ўрнига оловни ейди.

«Ва иккови орасида шубҳали нарсалар бордир». Яъни, ҳалол билан ҳаром орасида шубҳали нарсалар бордир.

«У (шубҳали) нарсаларни кўп одамлар билишмайди». Бундай нарсаларни шариат илмларини пухта биладиган уламоларгина биладилар.

Демак, баъзи нарсаларнинг ҳалоллиги ҳам, ҳаромлиги ҳам очиқ-ойдин билинмайди. Ҳалол, дейин деса, ҳаромга ўхшайди, ҳаром, дейин деса, ҳалолга ўхшайди. Бундай нарсалар шубҳали нарсалар, дейилади. Асосий мушкуллик худди шу нарсалардадир.

«Шубҳа» сўзи луғатда «ўхшаш» маъносини билдиради. Яъни, шубҳали нарса ўзидан бошқа нарсага ўхшашдек туюлади. Унинг аниқлиги йўқ бўлади. Уламоларимиз ҳалол ва ҳаром бобидаги шубҳали нарсани икки хил эътиқодни тақозо қилувчи икки нарса содир бўлгани учун икки хил эътиқодга сазовор бўлган нарса шубҳали нарса, дейилади, деганлар.

Демак, шубҳали нарсалар бир неча хил бўлади:
1. *Бир нарсанинг ҳалоллиги ҳақида бир томондан, ҳаромлиги ҳақида иккинчи томондан далил келган бўлса, улардан қайси бири олдин экани билинмаса, у шубҳали нарса бўлади.*
2. *Шариатда ҳукми баён қилинган бўлса ҳам машҳур бўлмагани учун кўпчилик билинмайди.*
3. *Умумий маъно ёки қиёсдан олинadиган ҳукм бўлиб, уламолар турлича тушунган нарсалар.*
4. *Шариатда мубоҳлиги ёки мубоҳ эмаслиги ҳақида ҳукм келган, аммо вақтинчалик ёки доимий эканлиги ҳақида ихтилоф бор нарсалар.*

Ёввойи эшак, хачир ва отга ўхшаш нарсаларнинг ҳукмини, ҳалол ёки ҳаромлигини мужтаҳид уламолар оят, ҳадис, ижмоъ, қиёс ва бошқа фикҳий қоидалар билан солиштириб ўрганиб чиқадилар. Сўнгра ҳалол ёки ҳаром экани ҳақида ҳукм чиқарадилар. Шундан кейин у ҳалоллик ёки ҳаромлик сифатини олади. Юқорида келтирилган фикрлар мазкур ҳайвонларнинг зотидаги ҳалоллик ёки ҳаромлик ҳақидаги маълумотларга асосланади.

Аммо зоти ҳалол нарсани бирор кишига ҳалол мулк

бўла олишига тегишли шубҳалар ҳам бир неча хил бўлади: **Биринчи хили**, ҳалол ёки ҳаром қилувчи сабабда шубҳа пайдо бўлиши. Мисол учун, бир одам асли ҳалол қушга ўқ отди. Бу хилдаги овланган қуш аслида ҳалол бўлади. Лекин отилган қуш сувга тушсаю, овчи уни сувдан олиб чиққанда ўлган бўлса, шубҳа бўлади. Қуш отилган ўқ билан ўлдими ёки сувга тушиб бўғилиб ўлдими, билиб бўлмайди. Уламолар бу ва бунга ўхшаш шубҳали ҳолатларга ҳаромлик устун эканига фатво чиқарганлар.

Бундоқ шубҳалар, айниқса, ҳалол билан ҳаромнинг аралашиб кетишидан келиб чиқади. Мисол учун, бир дона ҳаром ўлган ҳайвон гўшти битта ёки ўн та ҳалол йўл билан сўйилган ҳайвонларнинг гўштига аралашиб кетса, ҳамма гўшт шубҳали бўлиб қолади. Ҳаром гўштни ажратиб олишнинг имкони бўлмагани учун мазкур бир ёки бир неча маълум ҳайвон гўшти ҳам ҳаром, деб эълон қилинади.

Яна бир мисол. Бир йигитнинг эмиқдош синглиси бор, унга уйланиши шариат ҳукми бўйича ҳаром. Лекин ўша қиз ким экани аниқ маълум эмас. Фақат бешта-ўн та ёки маълум адад қизлардан бири экани билинади, холос.

Шу ҳолатда шариат ҳаром қилган кишини никоҳлаб олиш шубҳаси туғилади ва адад чегараланган бўлганидан, шубҳадан қочиб, уларнинг бирортасига ҳам уйланмаслик вожиб бўлади.

Иккинчи хили, чегараланган ҳаром нарса чегараланмаган ҳалол нарсага аралашиб кетиши. Бу ҳолда ҳам шубҳа ҳосил бўлади. Лекин катта мушкуллик эътиборидан шариат бундоқ ҳолатларда ҳалоллиқни ғолиб ҳисоблайди.

Мисол учун, ўзи билан эмиқдош бўлган қиз шаҳарнинг қизларидан бири эканини яхши билади. Аммо ким эканини билиб бўлмайди. Шу сабабдан ҳамма аёлларни унга ҳаром деб эълон қилинмайди, балки хоҳлаганига уйланаверади. Уламолар иттифоқи шундоқ.

Шунингдек, молу дунёга ҳаром аралашгани маълум, лекин ўша ҳаромнинг аниғи номаълум. Шунинг учун олди-сотди ёки емоқ-ичмоқни тарк қилиш вожиб бўлмайди. Бундоқ бўлса, кишилар катта тангликда қоладилар.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ва саҳобаи киромлар вақтларида рибохўрлик, ўғирлик содир бўлган, кўп молу мулкка аралашиб кетган, лекин пул муомаласи ёки ўғирланган нарсалар жинсидан бўлган ашёларни сотиб олиш ман қилинмаган. Уламоларимиз бунга ўхшаш нарсаларни сўраб-суруштириб, четлашга уриниш васвасади, дейдилар.

Учинчи хили, чегараланмаган ҳаром чегараланмаган ҳалолга аралашиб кетиши. Бундай пайтда ҳаромлигига ҳужжат-далил бўлган нарсанигина ҳаром, деб айтилади. Бошқа нарсалар ҳалоллик ҳукмини олади. Чунки шариат ҳукми бўйича аслида моллар ҳалолдир. Кишилардаги фикс ғолибдир. Шариат қоидаси бўйича асл билан ғолиб тўқнашиб қолса ва ғолибнинг аниқ белгиси бўлмаса, асл устун келади.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ва саҳобаи киромлар даврида ҳаромдан топилган мол-дунё, рибохўрлик фойдаси, ўлжадан беркитиб олинган нарсалар, баъзи таланиб олинган моллар аралашиб кетган. Ҳеч ким, мазкур нарсаларнинг ҳаром ҳолида ҳалол молларга аралашиб кетишига қарамай, бозорни ёпишга ёки олди-берди қилмасликка амр қилмаган. Ҳазрати Умар розийаллоҳу анҳу насроний аёлнинг идишидан таҳорат қилганлар. Саҳобаи киромлар ғайридин юртлардан келтирилган кийим-кечак ва бошқа матоларни сотиб олиб ишлатар эдилар.

Хулоса қилиб айтadиган бўлсак, шубҳали нарсаларда етук олим кишилардан сўраб олиб тасарруф қилиш керак бўлади. Аллоҳ таолога шукрлар бўлсинки, ўтган мужтаҳид олимларимиз бундоқ масалаларни жуда ҳам яхшилаб ҳал этиб, китобларга ёзиб кетганлар.

«Ким шубҳалардан сақланса, дини ва обрўи учун покланган бўлади». Яъни, ҳалоллигида шубҳа бор нарсадан сақланган одам дини ва обрўини поклаган бўлади. Шунинг учун муайян шубҳали нарсадан узоқда бўлиши керак. Бу борада Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг: «Ўзингни шубҳага солган нарсани тарк эт, ўзингни шубҳага солмаган нарсани ол!» деган гаплари қоидадир.

Шубҳали нарсага нисбатан муносабат бир неча хил бўлади:

1. Вожиб.

Ўзиники ёки ўзганики экани аниқ бўлмаган молни олмаслик.

2. Мустаҳаб.

Молининг кўпи ҳаром бўладиган одам билан муомала қилмаслик.

3. Макруҳ.

Аллоҳ таоло руҳсат берган нарсаларни ва ҳадисларни олмаслик.

Имом Бухорий ва Имом Термизийлар ривоят қилган ҳадисда қуйидагилар айтилади:

«*Уқба ибн Ҳорис Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга мен бир хотинга уйланган эдим, бир қора аёл келиб, мен билан хотинимни эмизганини даъво қилмоқда, у ёлғончи*», деди. *Шунда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ундан юзларини ўгириб олдилар. У ўз гапини у зотга иккинчи бор қайтарди. Шунда у зот: «Қандоқ қилиб?! Ахир, у икковларингизни эмизганини даъво қилиб турибди-ку? Уни талоқ қил!»* дедилар. *Шубҳа тушгани учун шундоқ қилдилар.*

Лекин шубҳанинг ҳам чегараси бор. Бўлиши қийин нарсаларни ўзига фараз қилиб, турли хаёллар билан турли шубҳалар қилишни васваса, дейилади. Уламоларимиз бундай васвасага бир қанча мисоллар келтиришади. Бу юртда менинг қариндошларим ўтган экан, шу ердан уйлансам, билмай қариндошимга уйланиб қўймай, деб бутун бошли бир юртдан уйланишни тарк қилиш, очиқ жойдаги сувни нажосат тушган бўлиши мумкин, деб ишлатмаслик, бирор кийимни менинг қўлимга тушишидан олдин нажосат теккан бўлиши мумкин, деб ювишга ўхшаш ишлар шулар жумласидандир.

Имом Қуртубий: «Бундай ишлар парҳезкорлик эмас, шайтоний васвасадир. Чунки буларда шубҳа маъносидаги ҳеч нарса йўқ. Бундай нарсаларнинг содир бўлиши шариатни билмасликдан келиб чиқади», дейдилар.

Албатта, бу шаклдаги васвасага берилиш Ислом шариати руҳидан узоқ нарсадир. Лекин муайян шубҳали нарсалардан эҳтиёт бўлиш зарур. Шунинг учун ҳам ҳадиси шарифнинг давомиди Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам бу нарсага алоҳида эътибор бермоқдалар:

«*Ким шубҳаларга тушса, ҳаромга тушади*». Яъни, ҳалоллигида шубҳа бор нарсаларни олиб, еб-ичиб, ишлатиб юрган одам ҳаромга тушиши турган гап. Чунки: «*Бу худди кўриқхона атрофида (ҳайвон) боққан чўпонга ўхшайди. Унда ўтлатиб қўйиши осон*».

«Кўриқхона» деганда Ислом давлати бошлиғи томонидан жиҳодга миниладиган ва давлат мулки ҳисобланадиган ҳайвонларни боқиш учун ажратиб, чегаралаб қўйилган яйловга айтилган. У давлат томонидан кўриқланади. Ким ўша яйловда ўз ҳайвонини боқса, қондани бузган ҳисобланади ва жазога тортилади.

Табиийки, мазкур кўриқхонага энг яқин жойда ҳайвон боққан одамнинг ҳайвонлари кўриқхонага тушиши ва ундан ўтлаб қўйиши жуда ҳам осон. Чунки энг яқин жойда турибди, бир ҳаракат билан қўйми-молми ёки бошқа ҳайвонми кўриқхона ўтидан ейиши ва эгаси жавобгар бўлиб қолиши ҳеч гап эмас.

Шубҳали нарсаларга яқин юрадиган одамнинг ҳоли ҳам худди шундай. Хоҳлаган лаҳзада, ўзи билмай қолиб, ҳаромни олиб, еб ёки муомалага киритиб қўйиши мумкин. Оқибатда обрўи тўкилиб, динига путур етиши ҳеч гап эмас. Шунинг учун ҳам динини, обрўйини пок ҳолда сақлаш ниятида бўлган киши шубҳали нарсаларга умуман яқинлашиши керак эмас.

Худди шу маънони яна ҳам кучлироқ таъкидлаш мақсадида Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам яна бошқа бир мисол келтирадилар: Огоҳ бўлингки, ҳар бир подшоҳнинг ўз кўриқхонаси бордир. Ўша кўриқхонада подшоҳнинг ҳайвонларидан бошқа ҳар қандай ҳайвоннинг юриши қатъиян ман қилинган. Ушбу қондани бузган одам эса, тегишли жазога тортилган. Подшоҳнинг жазосидан қўрққан одам кўриқхонага ўзи ҳам яқинлашмайди, ҳайвонини ҳам яқинлаштирамайди. Эҳтиёт бўлмаган одам эса подшоҳнинг жазосига тортилиши ҳеч гап эмас.

Огоҳ бўлингки, Аллоҳнинг кўриқхонаси Унинг ҳаром қилган нарсаларидир. Яъни, Аллоҳ таоло ҳаром қилган нарсалари худди подшоҳнинг кўриқхонасига ўхшайди. Ким ўша ҳаром қилинган нарсаларга яқинлашса, унинг ҳаромга йўлиқиши осонлашади, ҳаром ишни қилган одам эса, Унинг жазосига учрайди. Ҳаром ишни қилган одам учун икки дунёда ҳам турли-туман жазолар бордир. Ҳаром нарсаларни еган, улардан фойдаланган кимсаларга бу дунёда соғликлари бузилиши, турли бало-офатларга гирифтор бўлиши ҳамда охиратда ўзига яраша оғир жазолар тайин қилиниши муқаррар.

Ҳаром йўлдан мол топганларга ҳам турли тан жазолари билан бирга, бало-офатларга йўлиқиш, ибодати

ва дуоли қабул бўлмаслик каби руҳий-маънавий жазолар бор. Охиратда эса дўзах азоби бўлиши турган гап.

Огоҳ бўлингки, жасадда бир парча гўшт бор, у соғлом бўлса, жасаднинг ҳаммаси соғлом бўлур, у касал бўлса, жасаднинг ҳаммаси касал бўлур. Огоҳ бўлингки, ўша нарса қалбдир», дедилар». Бу иқтибосда «соғлом» сўзи «касал» сўзига қарама-қарши маънода ишлатилганига эътибор беришимиз керак.

Қалб бизнинг тилимизда «юрак» ҳам дейилади. Ушбу ҳадиси шарифда таъкидланишича, қалб инсоннинг ёмон ёки яхши бўлиши учун асосий омил бўлар экан. Унинг ёмон ёки яхши бўлиши эса, ҳалол ва ҳаромга боғлиқ.

Ушбу ҳақиқат қадим замонда фақат руҳий-маънавий жиҳатдан тушуниланган. Ҳаромхўрлик қилган одам гуноҳкор бўлиши ва охиратда дўзахга тушиши маъносигагина тушуниланган. Ҳозирги кунда эса, юрак жисмизни ҳаётда ва соғлиқда тутиб турадиган нарса сифатида билинади. У ишлаб турса, жисмда ҳаёт бўлади, у соғлом бўлса, жисм ҳам соғлом бўлади, у хаста бўлса, жисм ҳам хаста бўлади, деб фикр қилинади.

Аслида эса, ҳадисдан ушбу икки тушунчанинг умумлаштирилган маъноси тушунилиши лозим. Илмий равишда собит бўлишига қараганда, Ислом шариатида ҳаром қилинган нарсаларни таом сифатида тановул қилган одам хасталикка чалинар экан. Чунки Ислом зарарли нарсаларни ҳаром қилган. Ҳаром нарса истеъмол қилингандан сўнг танда қонга айланади. Юрак эса, қон ҳайдайдиган аъзодир. Зарарли нарсалардан пайдо бўлган зарарли қон юракнинг хасталанишига сабаб бўлиши эса, илмий ҳақиқатдир. Юрак хаста бўлгандан кейин эса, ҳадиси шарифда айтилганидек, жисмнинг ҳаммаси касал, бузуқ бўлади.

Худди шу ҳолат ботиний қалбга нисбатан ҳам ҳосил бўлади. Ўғрилиқ, порахўрлик, рибохўрлик, алдамчилик, босқинчилик каби ҳаром йўллар билан ўзига мол-мулк топган одамлар гуноҳкор бўлишади. Мазкур гуноҳлар зарари эса, уларнинг ботиний қалбларини хаста қилади. Ҳаромхўрлик давом этаверса, маънавий хасталик бориб-бориб, маънавий ўлимга айланади.

Шунинг учун ҳам қалб жисмга нисбатан подшоҳ кабидир, дейилади. Подшоҳдан яхши амр чиқса, фуқароларга яхши бўлганидек, юракдан яхши ниятлар чиқса, жисмнинг бошқа аъзоларига яхши бўлади. Ҳар доим бўлганидек, ҳозирда ҳам ушбу буюк ҳадиси шарифни яхшилаб тушунишга, унга яхши амал қилишга жуда ҳам муҳтожмиз. Ҳалол нима эканини билиб олиб, доимо ҳалолга етишиш учун ҳаракат қилишимиз керак. Ҳаром нима эканини яхшилаб билиб олиб, доимо ундан ҳазар қилишимиз лозим. Шубҳали нарсалардан узоқда бўлиш жуда ҳам зарур. Уламолардан сўраб-суруштириб, ҳалоллиги аниқ бўлган нарсани ўзимизга раво кўришимиз зарур. Агар уламолар шубҳали нарсаларнинг ҳалоллигига фатво бермасалар, унга мутлақо яқин йўламаслигимиз керак.

(«Ҳадис ва Ҳаёт», 11-жуз, 12-33-бетлар).



САЪД ИБН МУЪОЗ

Қаҳрамонимиз Саъд ибн Муъоз розияллоҳу анҳунинг тўлиқ исми Саъд ибн Муъоз ибн Нуъмон ибн Имруълқайс ибн ал-Ашъал ал-Авсийдир. Бу серсавлат, улуғвор, новча, қизил юзли инсон ёшлик чоғидаёқ ўз қабиласига бошлиқ бўлган эди. Саъд ибн Муъоз розияллоҳу анҳу Исломга кирганида ўттиз бир ёшда эди. Унинг мусулмон бўлиши қиссаси ҳам ажойиб.

Биринчи ясриблик мусулмонлар талабига биноан Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уларга Исломни ўргатиш учун Мусъаб ибн Умайр розияллоҳу анҳуни қўшиб юборган эдилар. Мусъаб ибн Умайр розияллоҳу анҳу ва ясриблик мусулмонлар аҳолини Исломга даъват қилишда жонбозлик кўрсатишди. Мусъаб ибн Умайр розияллоҳу анҳу Пайғамбар алайҳиссалом тавсиялари бўйича иш олиб борар эди. У одамларга Қуръон ўқитиш, Ислом таълими бериш ва дин аҳкомларини ўргатишни ажойиб услуб билан йўлга қўяр эди. Гоҳида баъзилар унинг олдида ўлдирмоқчи бўлиб, қурол кўтариб киришар эди. Аммо Мусъаб ибн Умайр розияллоҳу анҳунинг ширин муомаласи, қироати ва Ислом ҳақидаги сўзларидан кейин кўнгли эриб, мусулмон бўлар, у киши нима топшириқ берса, ўшани сўзсиз бажарадиган бўлиб чиқар эди.

Ясриб бўйлаб Ислом мисли кўрилмаган тезликда тарқалиб борар эди. У ердаги бош қабилалар—Авс

ва Хазражнинг кўплаб одамлари, жумладан, Саъд ибн Муъоз ва Усайд ибн Ҳузайр каби қавмнинг улуғлари ҳам Исломга киришди.

Саъд ибн Муъоз розияллоҳу анҳунинг Исломга келишлари Ясрибда мусулмончилиқнинг кенг тарқалишига сабаб бўлди. У киши мусулмон бўлган кундан бошлаб, бу шаҳарда мусулмонларнинг жонига оро кирди. Келаси ҳаж мавсумига борган мусулмонлар ичида Саъд ибн Муъоз розияллоҳу анҳу ҳам бор эди. Мадиналик мусулмонлар «Ақаба»да Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан кечаси яширин учрашадиган бўлишди. Тўпланиб бўлиб қарашса, етмиш уч эркак ва икки аёл—Насийба бинти Каъб ва Асма бинти Амр ибн Адийлар келган экан.

Ҳаммалари тўпланиб, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни кута бошлашди. Бир вақт у зот келаётганлари аниқ бўлди. Ёнларида бир киши ҳам бор эди. Яқин келганида у киши Пайғамбар

соллаллоҳу алайҳи васалламнинг амакилари Аб-бос экани маълум бўлди.

Орада мулоқот бўлди. Мусулмонлар Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам улардан нимани талаб қилсалар, ўшанга тайёр эканларини билдиришди. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам улар ичидан ўн иккита нақиб сайлашни сўрадилар. Улар ўн икки кишини танлашди. У зот нақибларга: «Сизлар ўз қавмингизга худди Йисо ибн Мар-ямнинг ҳаворийлари кафил бўлгандек кафилсизлар. Мен ўз қавмимга кафилман», дедилар.

Кейин Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уларга Қуръон тиловат қилдилар, Аллоҳга даъват, Исломи тарғиб қилдилар ва: «Аёлларингиз ва болаларингизни нимадан ҳимоя қиладиган бўлсангиз, мени ҳам ўшандан ҳимоя қилишингиз шарт ила сизларнинг байъатингизни қабул қиламан», дедилар.

Баро ибн Маърур Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қўлларини олиб, биринчи бўлиб байъат қилди. Кейин ҳамма бирма-бир байъат қилиб чиқди. Сўнгра Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уларга: «Энди келган жойларингизга боравeringлар», дедилар. Ана шу тарзда Саъд ибн Муъоз розияллоҳу анҳу Исломи тарихидаги энг машҳур уч-рашувлардан бирининг қатнашчиси деган шарафга муяссар бўлдилар.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Мадинаи мунавварага ҳижрат қилиб келганларида Саъд ибн Муъоз розияллоҳу анҳу ва қабиладолларининг эшиклари муҳожирларга кенг очилган эди. Улар мол-мулкларини ҳам муҳожирларга миннатсиз тутишди.

Вақти-соати етиб, инсоният тарихи ғилдирагини бошқа томонга буриб юборувчи ва ҳал қилувчи Бадр жанги куни ҳам келди. Тиш-тирноғига қуролланган, сон жиҳатидан бир неча марта кўп душман билан тўқнашув аён бўлиб қолди.

Жангга тайёрланиш жараёнида Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўз саҳобаларига маслаҳат солдилар. Бир неча киши ўз фикрини айтди. Сўнгра Миқдод ибн Амр туриб: «Эй Аллоҳнинг Расули! Аллоҳнинг амрига юраверинг, биз сиз биланмиз. Биз Бани Исроилга ўхшаб: «Сен ва Роббинг улар билан урушавeringлар, биз эса, бу ерда ўтириб турамиз», демаймиз. Сиз ва Роббингиз уларга қарши уруш қилинглари, биз ҳам сизлар билан бирга жанг қиламиз. Сизни ҳақ ила юборган Аллоҳга қасамки, бизни Баркул Ғимодга (Яманнинг чеккасидаги бир жой) бошласангиз ҳам кетаверамиз», деди.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам хурсанд бўлиб, унинг ҳаққига яхши дуолар қилдилар. Шу билан бирга, Расулulloҳ ансорийлар фикрини ҳам эшитишни хоҳладилар. Пайғамбар алайҳиссалом улар фақат шаҳар ичидагина менга ёрдам бериш-са керак, деб ўйлар эдилар. Чунки улар ҳижратдан

олдинги иккинчи «Ақаба» байъатида Расулulloҳни ўзлари ва болаларини ҳимоя қилгандек ҳимоя этишга ваъда беришган эди. Шунинг учун ҳам Расулulloҳ: «Эй одамлар, менга маслаҳат беринглари!» дея яна бир бор нидо қилдилар.

Шунда Саъд ибн Муъоз розияллоҳу анҳу туриб: «Эй Аллоҳнинг Расули! Сиз бизни назарда тутяпсиз шекилли?» деб сўради. Пайғамбаримиз: «Шундай», деб жавоб қилдилар. Саъд ибн Муъоз розияллоҳу анҳу: «Ўзингизга ваҳий қилинган ишдан бошқасига дуч келиб қолганга ўхшайсиз. Биз сизга иймон келтирганмиз, сизни тасдиқ этганмиз. Сиз келтирган нарсани ҳақ деб шаҳодат берганмиз. Сизга қулоқ осиб, итоат қилишга аҳду паймон берганмиз. Эй Аллоҳнинг Пайғамбари, нимани хоҳласангиз, шуни қилаверинг. Сизни ҳақ ила юборган Аллоҳга қасамки, агар бир денгизни кўрсатиб, унга шўнғисангиз, биз ҳам орқангиздан битта қолмай шўнғиймиз. Кимни хоҳласангиз, ёнингизга олинг, хоҳламаганингиздан узоқ бўлинг. Мол-мулкимиздан ҳам истаганингизча олаверинг. Сиз олган молимиз ўзимизда қолганидан кўра суюқлироқдир. Жоним қўлида бўлган Зотга қасамки, бу йўлдан ҳеч юрганим йўқ, нима бўлишини ҳам билмайман. Аммо эртага душманга йўлиқишдан кўрқмаймиз. Уруш вақтида сабр қиламиз. Тўқнашув пайтида сизга содиқмиз. Шоядқи, Аллоҳ бизга кўзингизни қувонтирадиган ишларни насиб этса. Тўғри, баъзи қавмларимиз ортда қолди. Уларнинг сизга бўлган муҳаббати бизникидан кам эмас. Сизга бўлган итоатимиз уларникидан кучли эмас. Аммо улар карвон учун кетилмоқда, деган ўй билан чиқмай қолишди, холос. Сизга бир соябон қуриб, уловларингизни ўша ерга тўплайлик. Сўнгра душманга рўбарў бўлайлик. Агар Аллоҳ бизни азиз қилиб, душманимиз устидан ғолиб қилса, ҳўп яхши. Агар иш бошқача бўлса, унда туяларга минасиз-да, ортимизда қолганларга етиб оласиз», дедилар.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам севинганларини билдириб: «Эй Саъд! Аллоҳ бундан ҳам яхши ҳукм қиладими?!», дедилар. Саъд ибн Муъоз розияллоҳу анҳунинг сўзи тамом бўлганидан кейин Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Қани, Аллоҳ баракоти билан, юринглари! Аллоҳ менга икки тоифадан бирини ваъда қилди. Аллоҳга қасамки, мен у қавмнинг йиқиладиган жойларини кўраётгандекман», дея мужда бердилар.

Одамлар жангга дуч келишларини, улар қасд қилган карвон аллақачон ўтиб кетганини англашди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг сўзлари қалбларда нусрат келишига ишонч туғдирди. Мана шулардан ҳам Бадр жанги куни Саъд ибн Муъоз розияллоҳу анҳу қанчалар аҳамиятли ишни амалга оширганини билиб олсак бўлади.

Ўша куни Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам байроқ тикишга амр этдилар. Байроқлар учта эди. Бирини Мусъаб ибн Умайр розияллоҳу анҳу кўтариб юрди. Қолган иккитасининг ранги қора бўлиб, уларни Али ибн Абу Толиб ва Саъд ибн Муъозлар кўтаришди. Исломи тарихидаги энг биринчи ва энг аҳамиятли жангда мусулмонларнинг байроқдори бўлиш шарафи Саъд ибн Муъоз розияллоҳу анҳуга насиб этгани ҳам у зотнинг ким эканларини яна бир бор намоён қилмоқда.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам бошлиқ мусулмонлар душман томон юриб бориб, ўша ердаги қудуқ ёнига жойлашишга қарор қилишди. Қудуқ ёнига жойлашганларидан сўнг Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга хурмо шохлари ва пўстлогидан бир қароргоҳ-капа қурилди. Унинг эшиги олдида Саъд ибн Муъоз розияллоҳу анҳу қиличини яланғочлаб, қоровулликда турди. Аслида Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга капа қуриш ва у зотни кўриқлаб туриш фикри ҳам Саъд ибн Муъоз розияллоҳу анҳунинг ўзидан чиққан эди.

Саъд ибн Муъоз розияллоҳу анҳу ўта сахий одам эди. У айниқса Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам хурсандчиликлари учун ҳеч нарсани аямас эди. Бу ҳолни ҳазрати Али ва Фотимаи Заҳро розияллоҳу анҳумонинг тўйлари кундаги ходисадан ҳам билиб олсак бўлади.

Тўй кечаси Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам куёв бўлмиш Али ибн Абу Толиб каррамаллоҳу ваҳҳахуга: «Эй Али, келинга бир тўй ҳам қилиш керак», дедилар. Шунда Саъд ибн Муъоз розияллоҳу анҳу: «Менда бир кўчқор бор!» деди. Ансорийлардан бир гуруҳи бир неча соъ жўхори жамлаб келди. Ана ўша нарсалардан тўй зиёфати уюштирилди.

Саъд ибн Муъоз розияллоҳу анҳу уйида ҳам тез-тез зиёфат уюштириб турар эди. Ўша зиёфатларда у киши ҳурматидан Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам иштирок этар эдилар. Имом Ибн Можа Абдуллоҳ ибн Зубайр розияллоҳу анҳудан ривоят қиладилар: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Саъд ибн Муъозникида ифтор қилдилар ва сўнгра: «Афтора индакум ас-соимуун ва акала таомакум ал-аброр ва соллат алайкум ал-малоика», яъни, «Ҳузурингизда рўзадорлар ифтор қилишди, таомингизни яхшилар ейишди ва фаришталар сизга салават айтишди», дедилар».

Ушбу дуо мусулмонлар учун суннат бўлиб қолди. Улар бирорталариникида зиёфатда бўлишсалар, албатта ушбу дуони ўқишади.

Уҳуд урушида эса мусулмонлар катта синовга учрашди. Камончилар томонидан йўл қўйилган хато туфайли қуршовда қолганлар тум-тарақай бўлиб қоча бошлашди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ёнларида оз сонли кишиларгина собит

турди. Ўша оз сонли баҳодирларнинг бири Саъд ибн Муъоз розияллоҳу анҳу эди. У киши белни маҳкам боғлаб, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламни душмандан мардонавор ҳимоя қилди.

Ибн Абу Шайба Амр ибн Шарҳабийл розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Саъд ибн Муъоз розияллоҳу анҳуга Хандақ куни ўқ текканда унинг қони Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга оқа бошлади. Абу Бакр розияллоҳу анҳу келиб: «Вой, белим синибди-ку!» дея бошлади. «Жим тур, эй Абу Бакр!» дедилар Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам.

Сўнгра Умар розияллоҳу анҳу келиб: «Инна лиллаҳи ва инна илайҳи рожиъун!» деди».

Муслим ва Абу Довудлар Жобир розияллоҳу анҳудан ривоят қилишади: «Саъд ибн Муъоз билагидаги томиридан ярадор бўлди. Шунда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ўз қўллари билан мишқосни қиздириб босдилар. Сўнгра унинг қўли шишиб кетган эди, У зот иккинчи бор яна қиздириб босдилар».

«Мишқос» қиздириб ярага босиладиган асбоб. Аҳзоб урушида улкан саҳобий Саъд ибн Муъоз билакларидаги қон томирларига ўқ тегиб қаттиқ яраланганлар. У кишининг ҳурматларидан Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам беморга ўзлари қараганлар ва ушбу ривоятда баён қилинганидек, даволаш ишларини ҳам шахсан ўзлари олиб борганлар. Қон оқиб турган томирга иссиқ нарсани босиб қонни тўхтатиш ўша вақтдаги бирдан-бир услуб эди.

Сўнгра Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ярадор Саъд ибн Муъоз розияллоҳу анҳуни масжиди Набавийга чодир қуриб, ўша ерга ётқизишга амр қилдилар. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам бемор Саъд ибн Муъоз розияллоҳу анҳуга доимо ўзлари қараб туришлари учун шундай қилган эдилар. Саъд ибн Муъоз розияллоҳу анҳу масжидда бемор ётган ҳолида Аллоҳ таолога илтижо билан қуйидаги дуони қилди: «Эй Аллоҳим! Агар Қурайш билан бўладиган урушдан бирор нарсани қолдирган бўлсанг, мени ҳам ўша учун қолдиргин. Чунки мен учун Расулинга озор берган, у зотни ёлғончига чиқарган ва ҳайдаган қавмга қарши жанг қилишдан севимлироқ иш йўқ. Эй Аллоҳим! Агар биз билан уларнинг орасида урушни аритган бўлсанг, менга бугун етган мусибатни шахидликка йўл қилгин! Мени Бани Қурайзадан кўзим тўймагунча ўлдирмагин!» Аллоҳ таоло Саъд ибн Муъоз розияллоҳу анҳунинг аввал Бани Қурайза ҳақидаги дуоларини қабул айлади.

Саъд ибн Муъоз Бани Қурайза ғазотидан кейин вафот этди. Пайғамбаримиз алайҳиссалом: «Саъднинг ўлиmidан Арш титради», дедилар.

АҲМАД тайёрлади

АҚИДА ВА АҚОИД

АҚИДА (арабча: «ақд» ўзагидан ясалган, тугиб қўйиш, маҳкам боғлаш маъносини англатади) — истилоҳда эътиқод қилиш, имон келтириш, Ислом динининг заруратлари шаклида тасдиқ қилиш; қалбга маҳкам боғлаб олиб, ундан ажралиш мумкин бўлмаган шаръий эътиқодий ҳукмлардир. Инсоннинг икки дунёдаги саодати айнан ақидасига боғлиқ. Ақидаси пок бўлса, йўли тўғри бўлади, қилган барча амаллари қабул бўлади ва бандалик билан содир этган баъзи гуноҳлари кечиради. Ақидаси бузуқ бўлса, йўли қинғир бўлади, амаллари беҳуда кетади ва охиратда жаҳаннам аҳлидан бўлади. Шунинг учун ҳам ақида масаласи улуғ масаладир, бунда мурасосозлик ва лоқайдлик бўлиши мумкин эмас. Соф исломий ақида ўзгармайди ва бекор бўлмайди. Бу масала Қуръони каримда ва ҳадиси шарифларда қатъий кўрсатиб берилган. Ҳазрати Одамдан (алайҳиссалом) буён келган динларда имон шартлари — Аллоҳ таоло (ягоналиги)га, Унинг фаришталарига, муқаддас китобларига, пайғамбарларига ва қиёмат кунига ҳамда яхшиликлар ҳам, ёмонликлар ҳам ва ўлгандан сўнг қайта тирилиш ҳам Аллоҳ таоло қудрати ила бўлишига ишониш ўзгармай келган. Аҳли сунна ва жамоа мазҳабининг ақидасини имомларимиз Қуръони карим ва ҳадиси шарифлар негизда ишлаб чиқиб, тартибга солишган. «Ал-ақидатут Таҳовия», «Ақоиди Насафия», «Фикҳи акбар» рисоаларини ва бошқа ақидага боғлиқ китобларни тез-тез ўқиб, ўзимизни назорат қилиб, ниятимизни, амалимизни тузатсак, ўзимизга фойда бўлади. Ҳамма ишлар пок ақида асосида қилинмаса, охиратда биз кутган натижа бўлмайди. Ақидасиз ибодат ҳам қуруқ шаклдир. Фақат соф ақида мусулмонлар ўртасида бирдамлик ва тотувликни, муайян низомни барқарорлаштиришга асос бўлади.

АҚОИД (арабча: ақида сўзининг кўплик шакли) — эътиқод қилиш лозим бўлган шаръий ҳукмлар ҳақидаги илм. Унинг мақсади икки дунё саодатига элтувчи Ислом динига ишончини, исломий ақидаларни қатъий далиллар билан исботлаш ва улар тўғрисидаги шубҳаларни тарқатишдир. Ақоид тўғри йўлни изловчиларга очиқ-ойдин ҳақни баён қилиш билан йўл кўрсатади, аксинча, бўйин товловчиларга далил ва ҳужжатларни исбот қилади. Бу илм дин асосларини ботил аҳлининг шубҳаларидан ва адаштиришлардан сақлайди.

Ақоид илми ўз тарихининг турли босқичларида шароит ва тушунчалардан келиб чиқиб бир неча

номлар билан аталган: «Ал-Фикҳул акбар», «Илми калом» (иккинчи ҳижрий аср), «Илми усулид дин», «Илмул ақоид» (тўртинчи ҳижрий аср), «Илмул тавҳид» (ўнинчи ҳижрий аср). Ақоид китобларида келадиган, баён этиладиган барча масалалар кўзга кўринмас нарсалардир. Улар ишончли — мутавотир хабар билан далилланган. Улар ҳақидаги маълумотлар бизга фақат Қуръони карим ва ҳадиси шариф орқали келган. Уларга имон келтириш ҳар бир мўмин-мусулмон учун зарурдир. Қуръони каримнинг собитлиги қатъий эканига эътиқод қилиш ақл жиҳатидан ҳам, шароит жиҳатидан ҳам фарз. Буни инкор қилган кимса Исломдан чиқади. Қуръони карим қатъий далолат қилган аҳком ва хабарларга эътиқод қилиш ҳам фарздир. Расулulloҳдан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) мутавотир ҳадислар қатъий собит бўлганига, бу ҳадислар қатъий далолат қилган нарсаларга эътиқод қилиш ҳам фарздир. Ислом уммати ўзининг биринчи асрларида инкорсиз қабул қилиб олган оҳод ҳадисларнинг ҳукми мутавотир ҳадислар кабилар. Расулulloҳдан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) қатъий нисбат билан собит бўлиб, далолати ҳам қатъий бўлган ақидани инкор қилувчи кимса Исломдан чиқади.

Ақоид илми тўрт қисмдан иборат:

1. **Илоҳийёт** (Илоҳ ва у Зотга тегишли масалалар)
2. **Нубувват** (ваҳий, пайғамбарлик, расуллик ва уларга оид масалалар)
3. **Кавнийёт** (борлиқдаги мавжуд инсон, фаришта, жин ва сабабият қонунларига тегишли масалалар).
4. **Ғайбийёт** (эшитиш билангина собит бўладиган ақидалар, ғайб оламига тегишли масалалар).

Шу билан бирга, мусулмонлар орасида пайдо бўлиб қолган ихтилофли масалаларга жавоблар ҳам шу илм доирасида ҳал қилинади.

Сайфуллоҳ Абдуллоҳ ўғли тайёрлади.

Манбалар:

- 1) Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. «**Тафсири Ҳилол**». 2-нашр. 2-жуз. Т., «Мовароуннаҳр», 2005, 154–155-б.; 2) «**Ислом**». Энциклопедия. Т., «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» нашриёти, 2004, 36-б.; 3) Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. «**Сунний ақидалар**». Т., «Мовароуннаҳр», 2006, 3–66-б.; 4) Муҳаммад Зоҳид ибн Иброҳим ал-Бурсавий (қуддиси сирруху). «**Авроди Қуръоний**». Ҳафта кунлари давомида ўқиладиган қуръоний зикр-дуолар. Т., «Мовароуннаҳр», 2005, 11–22-б.



НАФЛ (ИХТИЁРИЙ) НАМОЗЛАР

ТАҲИЙЯТИ МАСЖИД НАМОЗИ

Абу Қатодадан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилинган ҳадисда «Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Бирортангиз масжидга кирса, ўтиришдан олдин икки ракат намоз ўқисин», деганлар» (Имом Бухорий, Муслим, Термизий, Абу Довуд ва Насоий ривояти). Бу икки ракатли намоз «таҳийяти масжид» (масжид саломини) намози дейилади.

Шофеъий ва Ҳанбалий мазҳабида таҳийяти масжидни қай вақтда бўлса ҳам: намоз ўқиш макруҳ ёки имом хутба ўқиётган пайтда ҳам ўқиш керак, дейилади. Моликий ва Ҳанафий мазҳабларида эса, имом хутба ўқиётган бўлса, таҳийяти масжид ўқилмайди. Шунингдек, Ҳанафий мазҳабида намоз ўқиш макруҳ пайтларда ҳам таҳийяти масжид ўқилмайди. Намозхон масжидга кириши билан фарз намозни ёки бошқа бир намозни ўқиса, ният қилмаса ҳам таҳийяти масжид ўрнига кифоя қилади. Бордию масжидга бир кунда бир неча бор

кирадиган бўлса, бир марта ўқиса кифоя қилади.

Бу намознинг ҳукмидан Масжидул ҳаром истисно қилинган. Бу масжиднинг таҳийяти тавоф билан бўлади.

Масжидга кирганда бирор узр билан таҳийяти масжид намозини ўқий олмаса, «Субҳаналлоҳи, валҳамду лиллаҳи, ва лаа илаҳа иллаллоҳу валлоҳу акбар»ни айтса кифоя қилади.

ШУРУҚ (ИШРОҚ) НАМОЗИ

Муоз ибн Анас ал-Жуханийдан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилинган ҳадисда келишича: «Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ким бомдод намозини ўқиб бўлганидан кейин намоз ўқиган жойида то чошгоҳ намозини ўқигунча ўтирса, фақат яхшиликдан бошқани гапирмаган бўлса, унинг хатолари, агар денгиз кўпигидан кўп бўлса ҳам мағфират қилинади», деганлар» (Абу Довуд, Термизий ривояти). **Термизий лафзида:** «Ким бомдодни жамоат билан ўқиса, сўнгга қуёш

чиққунча Аллоҳни зикр қилиб ўтирса, кейин икки ракат намоз ўқиса, унинг учун ҳаж ва умранинг ажридек бўлур. Тўлиқ, тўлиқ, тўлиқ», дейилган.

Ушбу ривоятда васф қилинаётган намоз Салотуш Шуруқ - Шуруқ намози ҳам дейилади. «Шуруқ» дегани эса қуёш чиқишини билдиради. Шуруқ чошгоҳ намозининг энг аввалги вақтидаги намоздир.

ЗУҲО (ЧОШГОҲ) НАМОЗИ

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ким чошгоҳ намозини бардавом ўқиса, унинг гуноҳлари денгиз кўпигича бўлса ҳам мағфират қилинади», дедилар» (Имом Термизий ривояти).

Бу намоз икки ракатдан саккиз ракатгача бўлади. Аммо Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам кўпроқ тўрт ракат ўқиганлар. Унинг вақти қуёш найза бўйи кўтарилгандан бошлаб то заволга яқин қолгунчадир. Энг афзал вақти наҳорнинг тўртдан бири ўтгандан кейиндир.

ШУКРИ ВУЗУЪ НАМОЗИ

Одатда таҳорат қилиб бўлгандан сўнг ўқиладиган намоз шукри вузуъ—таҳоратнинг шукри дейилади. **Уқба ибн Омир ал-Жуханий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган бундай ҳадис бор:** «Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Қай бир одам яхшилаб таҳорат қилсаю, қалби ва юзи ила иқбол қилган ҳолда икки ракат намоз ўқиса, албатта унга жаннат вожиб бўлади», дедилар» (Имом Абу Довуд ривояти).

ИСТИХОРА НАМОЗИ

«Истихора» сўзи луғатда хайрни талаб қилиш, деган маънони англатади. Мусулмон киши икки ишдан қайси бирини қилишини билмай қолганида хайрлисини танлаш учун истихора намози ўқийди. Бу намозни ҳар бир мубоҳ ишдан олдин ўқиш мустаҳабдир.

Жобир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам бизга ҳамма ишларда истихора қилишни худди Қуръондан сурани таълим бергандек таълим берар эдилар. У зот: «Қачон бирингиз бир иш қилмоқчи бўлса, фарз намоздан бошқа икки ракат намоз ўқисин. Сўнг «Эй бор Худоё, албатта, Сендан илминг ила истихора қиламан. Сеннинг қудратинг ила қудрат сўрайман. Сендан улугъ фазлингдан сўрайман. Албатта, Сен қодир бўлурсан, мен қодир бўлмасман. Сен билурсан, мен билмасман. Сен ғайбларни ўта яхши билувчи зотсан. Эй бор Худоё! Агар ушбу иш динимда, маошимда ва ишим оқибатида яхши эканини



билсанг (ёки ҳозирги ишимдаю, келгусида) уни менга тақдир қилгин, менга осон эт, сўнгра уни мен учун баракали қилгин. Агар ушбу иш динимда, маошимда ва ишим оқибатида (ёки ҳозирги ишимдаю келгусида) ёмон эканини билсанг, уни мендан буриб юбор, мени ундан буриб юбор. Ва менга қаерда бўлса ҳам яхшилиқни тақдир қил, сўнгра мени унга рози қил» десин ва ҳожатини айтсин», дедилар» (Имом Бухорий, Абу Довуд, Термизий, Насоий ривояти).

Ушбу намозни ўқигандан кейин мазкур иш ҳақида ўйламай, Аллоҳ ихтиёр қиладиган нарсани кутиб юради. Кейин кўнглига тушиб, ўзига маъқул бўлиб, қилгиси келиб қолса амалга оширади. Бу ҳақда туш кўриши ҳам мумкин. Агар иш бир тарафга ўтмай туриб қолса истихора намозини яна қайтадан ўқийди. Қайта ўқиш етти мартагача бўлади. Истихора намозининг биринчи ракатида Фотиҳа сурасидан кейин Кофирун сурасини, иккинчи ракатда Ихлос сурасини ўқийди.

ҲОЖАТ НАМОЗИ

Абдуллоҳ ибн Абу Авфо розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Кимнинг Аллоҳга ва Бани одамдан бирортасига ҳожати бўлса, яхшилаб таҳорат қилсин, сўнгра икки ракат намоз ўқисин. Кейин Аллоҳга сано ва Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга саловат айтсин. Сўнгра: «Ҳалийму Карим Аллоҳдан ўзга ҳеч илоҳи маъбуд йўқ. Улуғ Аршининг Роббиси Аллоҳ покдир. Оламларнинг Роббиси Аллоҳга ҳамдлар бўлсин. Мен Сендан: раҳматингни вожиб қилувчи, мағфиратингни

тақозо қилувчи нарсаларни ва ҳар бир яхшилиқдан ғаниматни, ҳар бир ёмонликдан саломатни сўрайман. Менинг ҳеч бир гуноҳимни қўймай мағфират қилгин, ҳеч бир ғамимни қўймай қушойиш эт, ўзинг рози бўлган ҳеч бир ҳожатимни қўймай, албатта чиқаргин. Эй Арҳамар Роҳимийн», десин», дедилар» (Имом Термизий ва Ибн Можа ривояти).

Имом Ибн Ҳажар бу намозни шанба куни саҳар ўқиб, талаби ҳожат қилиш мандубдир, чунки Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам, ким шанба куни эрталаб талаби ҳожат қилса, талаби ҳал бўлади. Унинг ҳожати равон бўлишига мен зоминман, деб марҳамат қилганлар, деган. Албатта, дуонинг арабча матнини ёдлаб олган яхши.

ТАВБА НАМОЗИ

Али розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Мен қачон Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан бир ҳадис эшитсам, Аллоҳ менга ундан ўзи хоҳлаганича нафъ берадиган одам эдим. У зотнинг саҳобаларидан бири менга ҳадис айтса, мен ундан (гапи тўғрилигига) қасам ичишни талаб қилар эдим. Агар у қасам ичса (гапини) тасдиқ қилар эдим. Албатта, шаън шулки, менга Абу Бакр бир ҳадис айтди. Зотан у содиқдир:

«Мен Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг: қайси бир одам гуноҳ қилиб қўйиб, сўнгра туриб, таҳорат қилиб намоз ўқиса, кейин Аллоҳга истиғфор айтса, албатта, Аллоҳ уни мағфират қилади», деганларини эшитдим. Сўнгра у зот:



«Улар қачон фаҳш иш қилсалар ёки ўзларига зулм қилсалар, Аллоҳни эсларлар ва гуноҳларига истиғфор айтурлар» оятини қироат қилдилар», деди».

Термизий ва Абу Довуд ривоят қилган.

Аслида тавба намозсиз ҳам хоҳлаган пайтда бўлиши матлуб. Лекин намоз ила бўлгани кучли ва қабули осондир. Намоз мўминнинг силоҳи, дейилгани ҳам шундан. Мўмин киши намоз ила ҳар қандай қийин нарсага ҳам осонлик билан эриша олади. Ожиз банда гуноҳ иш қилиб қўйса, иймони уни дарҳол тавбага чорлаши зарур. Қилиб қўйган гуноҳининг афсусида қолган мўмин инсон дарҳол таҳорат қилиб тавба намози нияти ила икки ракат намоз ўқиб олишга ўтмоғи лозим. У гуноҳига надомат қилиб, намозида чин қалбдан тавба қилиб, Аллоҳга роз айтиб, иккинчи бу гуноҳни қайта қилмасликка қатъий аҳд қилса, Аллоҳ таоло унинг гуноҳини мағфират қилади.

АВВОБИЙН НАМОЗИ

Бу намоз шом намозидан кейин ўқилади ва олти ракат бўлади. Аввал тўрт, кейин икки ракат ёки икки ракатдан қилиб ўқилади.

Аллоҳ таоло «Исро» сурасида:

«Албатта, У зот аввобийнларни мағфират қилувчидир», деган (25-оят).

Имом Табароний Аммор ибн Ёсир розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда:

«Ким шомдан кейин олти ракат ўқиса, гуноҳлари мағфират қилинур, агар денгизнинг кўпигича бўлса ҳам», дейилган.

ТАҲАЖЖУД НАМОЗИ

Бу намознинг ози икки, кўпи саккиз ракатдир. **Аллоҳ таоло:** «Кечасида таҳажжуд (намози) қил, сенга нофила бўлур. Шоядки, Роббинг сени Мақоми маҳмудда тирилтирса», деган.

Ушбу оят ила таҳажжуд намозига тарғиб қилиш Қуръонда келгани эслатилмоқда. Кечаси бир ухлаб туриб ўқиладиган намоз «таҳажжуд намози» деб аталади. Шунингдек, бу намоз қиём намози, деб ҳам айтилади. Аввал бошида бу намоз вожиб бўлган эди. Бир йилчадан кейин вожиблиги насх қилинган.

Абу Умома розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Сизларга кечанинг қиёми лозимдир. Чунки, у сизлардан олдинги солиҳларнинг одатидир. У Роббингизга қурбатдир. У ёмонликларга каффоротдир. У гуноҳларни қайтарувчидир», дедилар». Бошқа бир ривоятда: «У жисмдан дардни қувувчидир» ҳам дейилган (Термизий, Аҳмад ва Ҳоким ривояти).



БАҲОИЙЛАР КИМЛАР?

«Ҳурматли таҳририят аъзолари, яқинда «баҳойлар» деган фирқа ҳам борлигини ўқиб қолдим. Улар ким, уларнинг эътиқоди нимага асосланган, илтимос, шу ҳақда тўлароқ маълумот берсанглар.

Салом билан, Шухрат, Тошкент шаҳри».

Журналхонимизнинг ушбу саволига шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳазратлари жавоб берадилар:

Бу ҳаракат аввал «Бобийя» номи билан иш бошлаган, кейинроқ эса, «Баҳойия» номини олган. Ҳаракат 1844 милодий санадан бошланган. Мазкур ҳаракатга 1829 йили Эроннинг Шероз шаҳрида туғилган Мирзо Али Муҳаммад Ризо Шерозий асос солган. У ўзини Боб, яъни, ҳамма нарсанинг эшиги, деб номлаган. Бу ҳодиса 1844 милодий санада рўй берган. Мирзо Али Муҳаммад Ризо, яъни, Боб вафот этгунга қадар бу ҳаракат Бобийя номи билан аталган. Унинг вафотидан кейин ҳаракатга

Мирзо Ҳусайн Али бошчилиқ қила бошлади. У ўзига «Баҳо» деган лақаб берди. Шу сабабдан, ҳаракат ҳам «Баҳойия» деб атала бошланди. «Баҳо» лақабини олган Мирзо Ҳусайн Али бир китоб ёзди ва унга «ал-Ақдас» деб ном берди. Китобда ушбу янги дийннинг асосий эътиқодлари баён қилинган. Баҳо Мирзо Ҳусайн 1892 йили вафот этди.

Баҳойиянинг асосчиси Мирзо Али Муҳаммад Ризо Шерозий, яъни, Боб ва унинг халифаси Мирзо Ҳусайн Али Баҳодан ташқари бир-

иккита кўзга кўринган арбоблари бор. Улардан бири – Қурратулайн исмли аёл киши. Тарихчиларимиз айтишларича, эридан қочиб кетган бу аёл турли номуносиб ишларни қилиб юрган. Кейинроқ ўзини илоҳийлаштириб кўрсатишга ҳаракат қилган. Ҳижрий 1260 йили Дашт шаҳрида бўлиб ўтган анжуманда, Ислом шариати бекор қилинди, деб эълон қилган. Бундай ишлардан кейин Қурратулайн Эрон шохининг фармони ила ўша йили ўлдирилган.

Баҳойилардан яна бир кўзга кўринган арбобнинг исми Яҳё Алидир. У Баҳонинг, яъни, Мирзо Ҳусайн Алининг укаси эди. Боб вафотидан сўнг акаси Мирзо Ҳусайн Али билан унинг ўрнини талашган, яъни, ҳаракатга раҳбар бўлишга интилган. Кейин ўзи алоҳида ажралиб чиққан. Унинг «ал-Алвоҳ» номли китоби ҳам бор. Кейинроқ Яҳё Али ва унинг шериклари ўлдирилган.

Энди баҳойларнинг баъзи ақийдаларига бир назар солайлик. Шунда уларнинг кимлиги яна ҳам равшан бўлади:

– баҳойларнинг ақийдаси бўйича, Боб, яъни, Мирзо Али Муҳаммад Ризо Шерозий ўз калимаси ила барча нарсани яратган. Демак, улар Бобни худо деб эътиқод қилади. Шунингдек, уларнинг ақийдаси бўйича Боб, яъни, Мирзо Али Муҳаммад Ризо Шерозий ҳамма нарсанинг бошланиши ҳисобланади;

– баҳойлар «Ҳусул ва иттиҳод» деб аталган машҳур нотўғри ақийдага ҳам ишонишади. Бу ақийда бўйича, Аллоҳнинг руҳи борлиқдаги барча мавжудодларга тушади ва улар билан бирлашиб, ягона бирликни ташкил этади;

– баҳойлар таносух ақийдасига ҳам ишонади, яъни, руҳларнинг кўчиб юриши, бир ўлган кишининг руҳи янги туғилган гўдакка ёки бошқа бирор нарсага кўчиб ўтишига ҳам ишонади. Уларнинг эътиқоди бўйича, – бу дунё абадий, савоб ёки жазо руҳларгагина бўлади;

– баҳойлар ўн тўққиз сонини «муқаддас сон» деб эътиқод қилишади. Уларнинг ҳисоби бўйича, бир йил ўн тўққиз ой, бир ой ўн тўққиз кун, бир кун ўн тўққиз соат ва ҳоказо;

– уларнинг эътиқоди бўйича, Ҳиндистон, Хитой ва Форсда ўтган Будда, Конфушиус,

Брахма, Зардўшт каби шахслар пайғамбар саналармиш;

– баҳойлар яҳудий ва насронийларга ўхшаб, Ийсо алайҳиссаломни хочга осиб ўлдирилган, деб эътиқод қилишади;

– улар Қуръони каримни ўз мазҳабларига мослаб, ботиний шарҳлайдилар;

– баҳойлар пайғамбарларнинг мўъжизаларига, фаришта ва жинларга ҳамда жаннат ва дўзахга ишонишмайди. Улар: аёлларга ҳижоб ҳаром, дейишади. Мутъа никоҳи, яъни, ҳаққини бериб маълум вақтга аёлни никоҳлаб олиш ҳалол, аёллар ва молу мулк ўртада бўлиши керак, дейишади;

– баҳойлар Бобнинг дини Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг шариатларини бекор қилувчидир, дейишади;

– улар қиёматни Баҳонинг, яъни, Мирзо Ҳусайн Алининг қайта пайдо бўлиши, деб шарҳ қилишади. Баҳойлар қибласи Шерозда бўлиб, Боб, яъни, Мирзо Али Муҳаммад Ризо Шерозий туғилган уйдир;

– баҳойлар Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам пайғамбарларнинг охиргиси эканларини инкор қилишади. Улар даъвосича, ваҳий доим тушиб туриши керак. Улар Қуръони каримга қарши бир неча китоблар чиқаришган.

Юқорида зикр қилинган эътиқодларидан кўриниб турибдики, баҳойлар турли қадимий бузуқ дин ва мазҳаблардан фойдаланиб, янги бир дин пайдо қилишга ҳаракат қилишган ва ақийда масаласида қаттиқ адашиб кетишган.

Аммо уларнинг бу ҳаракатлари Ислом оламида қаттиқ қаршиликка учраган. Уларнинг ақийда ва фикрлари кенг мусулмонлар оммасига таъсир қила олмаган. Уламолар халққа улар ҳақидаги бор ҳақиқатни етказишган. Баҳойия ҳақида ёзилган мақолалар, чиқарилган фатволардан ташқари, кўплаб китоблар ҳам нашр қилинган. Жумладан, кўзга кўринган уламолардан Абул Аъло Мавдудий, Муҳийддин Хатиб, Али Мансур ва бошқалар ҳам бу ҳақда китоблар ёзишган. Ҳозирда баҳойлар Эрон, Ироқ, Сурия, Ливан ва Фаластинда бор, бошқа мамлакатларга ҳам жойлашиб, тарафдор йиғишга уринишади.

Қадимда Эрондан қочиб ўтган баҳойлар Туркменистонда бир ибодатхонани куришган экан, аммо у кейинчалик бузилиб кетган.

Сардор МАҲМУД

УЛКАН САЛТАНАТ АСОСЧИСИ



Милоднинг 1290-1326 йилларида ҳукмронлик қилган Усмон Биринчи усмонлилар (Ғарбда оттоманлар дейишади) давлатининг асосчиси ҳисобланиб, унинг номини турклар ҳозир ҳам ҳурмат билан тилга олишади. У ўз халқини буюклик даражасига кўтаришни орзу қиларди. Салжуқийлар ва ғурийлар қўлга киритган ютуқларни яхши билган Усмон «нега менинг халқим ҳам шундай улуғ тақдирга арзимас экан», деб ўйларди. Унинг олдида турган асосий вазифа Византия империясини тор-мор келтириш эди. У Ғарбга ўз империяси сифатида қарамоқчи бўларди, бунга эришмоқ учун эса халқига куч-қувват ато этиши зарурлигини яхши биларди. У византияликларни енгиб, ҳеч бўлмаганда уларнинг Кичик Осиёдаги истехкоми – қўҳна Бурса шаҳрини ёки Никодемияни забт этиши, кейинчалик кичикроқ мустақил бир амирликка эга бўлиб олгач, Мармара денгизи орқали Триест таянч нуқтасини қўлга киритиши даркор эди.

Усмон ўғли Ўрхон билан биргаликда ана шу мақсадларнинг ҳаммасига эриша олди. Саргузашт ишқибози бўлган кўпгина мусулмонлар, савдогарлар, ҳатто яҳудийлар унга келиб қўшилишди. Улар мададидан куч-қувватга тўлган Усмон византияликларга қарши бир неча урушлар олиб бориши натижасида Мелангнор шаҳрини забт этди ва унга Қаржаҳисар номини бериб, ўз пойтахтига айлантирди. Сўнгра муҳим Бурса қалъасини қамал қилдики, бу шаҳар 1326 йили, яъни унинг вафоти йили таслим бўлди.

Кичик бир давлатга амир бўлган Усмон ўзини мустақил деб эълон қилиб, жонажон туркларини буюк мақсад сари бошлаб борди. Уларга курашиш ва қаҳрамонона ҳаракатлар қилишни васият этди. Унинг ўрнини Ўрхон Биринчи эгаллади ва у 1326-1359 йилларда тахт тепасида турди. Ўрхон Биринчи отаси Усмоннинг жасадини катта дабдаба билан Бурса қўрғонидаги черковга дафн эттирди. Шундан буён масжидга айлантирилган бу иморат турк султонларининг даҳмаси бўлиб қолди. Ўрхон Никодемияни босиб олиб, у ерда биринчи турк

мактабини очди. Ажойиб фазилатлари билан яхши маълум Довуд Қайсарий унга раҳбар этиб тайинланди.

Ўрхон отаси анъаналарини давом эттириб, 1330 йили Филокрин яқинида византияликларга зарба берди. Шаҳарни эгаллаб, у ерда мактаблар ҳамда саноат корхоналарини очдирди. Миллатнинг ҳақиқий бунёдкори сифатида у барча эски юнон билимгоҳларини сақлаб қолди: уларни Ислом тартиб-қоидаларига мослаштириб, ўзиники қилиб олди. Қўшинларини қайта қуриб, ғоят истеъдодли додхоҳ Жондорли Хайриддин Пошшонни уларга бош қилиб қўйди. Деярли бутунлай отлик аскарлардан иборат турк қўшинлари учун янгича пойабзал кийишни урфга киритди.

«Жоннисорлар» деб номланган ҳарбий қисм ташкил қилдики, у кейинчалик шон-шавкати ҳамда чексиз садоқати жиҳатидан турк қўшинларида энг яхши қисмга айланди. Дастлаб қарам насроний ўлкаларнинг фарзандлари ҳам улар сафига олиниб, алоҳида имтиёзли шароитларда таълим берилди. Бу йигитларнинг кўпларидан машҳур додхоҳлар етишиб чиқди, уларнинг ҳаммаси мусулмон саналарди. Султонга мутаассибларча содиқ кишилардан ташкил топган бу қисм махсус қўшин сифатида донг таратди. Жоннисорлар қарийб уч юз йил мобайнида етакчилик қилиб, кейин айнаиб кетишди.

Бу даврга келиб Византия империяси анча кичрайиб қолганди. Аввалига салжуқийлар, сўнгра усмонлилар византияликларни Кичик Осиёдан суриб чиқаришди. Жануби-шарқий Овруподаги Византия императорининг давлати сербларнинг куч-қудратга тўлиб келаётган давлати томонидан қулатилди. Булғорлар ҳам хужумга ўтишди. Улар Венетсия давлатини, Генуя ва Эгей денгизидаги бир нечта оролни эгаллашди.

Ана шундай бир пайтда император Андроникус Учинчи вафотидан кейин (1331 йил) унинг беваси Анна император хоним бўлиб қолди. Кантакузин исмли кимса эса унга муваққат васийликни зиммасига олди. Тез орада улар ўртасида келиб чиққан низо натижасида, Кантакузин Ўрхон Биринчи билан иттифоқ тузarkan, унинг қизи Теодорага уйланиб, эвазига

вақтинча олти минг кишилиқ қўшин ажратиб беришни илтимос қилди. Кантакузин турк отлик аскарлари ёрдамида Аннани енгиб, ўз рафиқаси билан биргаликда императорликка кўтарилди.

Тўрт йил ўтиб, 1349 йили серблар Византияга қарши қўлга қурол олганларида император Константинопол маликаси билан биргалашиб, иккинчи бор турк қўшинларини ёрдамга чақиришди. Ўрхон яна йигирма минг отлик ва пиёда аскарлари билан мададга келди. Тўрт йилдан кейин Кантакузин император хоним Аннанинг балоғатга етган ўғли Жон Палеолугос билан жанжаллашиб қолиб, тагин қайнотасидан кўмак сўрашга мажбур бўлди. Бу гал у Ўрхонга мамлакатнинг Халлеспонта деб аталган Оврупо қисмидаги Тзимпе қалъасини ишониб топширди. Ўрхон ўз ўғли Сулаймонга ваколат бериб, кучли ҳарбий қисм билан шу қалъага жўнатди. Тадбиркор йигит Сулаймон зилзила сабабли Галлиполи қалъаси вайрон бўлганидан фойдаланиб, уни ҳам эгаллади. Кантакузин бунга норозилигини баён қилганида Ўрхон тез-тез кўрсатилиб турилган ёрдам олдида шу хароба қалъа арзимаган нарсаси, деган фикр билдирди. Бундай муомала асло маъқул тушмаган император тўполон кўтариб, насроний дўстлари – серб ва булғор қиролларидан ёрдам сўраганида улардан рад жавобни олди.

Бу воқеа византияликларнинг Кантакузинга нисбатан ғазабини аланга олдириб юборди. Уни сотқинликда айблашиб, тахтдан воз кечишга мажбур қилишди. Фурсатдан фойдаланиб, Жон Палеолугос турклар қалъани тарк этишлари учун жон куйдирди, лекин унинг бу режаси рўёбга чиқмай қолди. Чунки турклар у ерда маҳкам ўрнашиб олишган эди. Улар ҳозир ҳам шу ерда муқим яшаб келишяпти.

Сулаймон отидан йиқилиб қазо қилганида Ўрхон жуда қаттиқ куйинди. Унинг ўзи севили ўғлидан бир йил кейин, 1359 йили вафот этди. У яхши раҳнамо, буюк ташкилотчи, ажойиб маъмур ва миллатнинг вужудга келишида ҳақиқий бош бўлган киши эди.

**Инглизчадан Жамолитдин ҲАМДАМ ва
Шариф ХОЛМУРОД
таржимаси.**

ОВРУПАНИНГ ИСЛОМИЙ КЕЛАЖАГИ

Бугун Оврупанинг энг етакчи оммавий ахборот воситалари бу мавзуда тинимсиз баҳс юритмоқда. «Баҳорги зафар»лар оврупалик мутахассис, шарқшунос, сиёсатшунос ва таҳлилчиларни «муаммо»га бошқача кўз билан қарашга мажбур қилди.



Европанинг бўронли медиа тўлқинларида «исломий мавзу»ларнинг кўп ёритилиши яхши ҳаёт сабабидан эмас, дея тан олишмоқда номдор қалам соҳиблари. Исломни яқин-яқингача одамларни қўрқитиш учун бир восита сифатида кўриларди. Агар оврупалаштирилган Тунис яшил байроқ олдида тиз чўккан экан, Оврупа ҳам бу ҳақда бир фикрлаб кўриши керак. Темир парда билан иймон чегарасини тўсиб бўлмайди-ку, ахир. «Муаммо»га қуйидагича: «Исломнинг Европадаги келажаги» деб ном берса ҳам бўлади.

Матбуотда шундай далиллар ҳам учрамоқда. Агар Ислом қитъада бугунги суръатида тарқалар экан, аср охирига бориб Оврупа тўла Исломга «ўтади». Бу ерда «ўтади» сўзини эркинроқ шарҳ қилса ҳам бўлади: Оврупа Исломни қабул этиб, уни ягона дин деб эълон қилади.

Оврупа қитъасининг шаҳар-қишлоқларида Ислом тарафдорлари, мусулмонлар қатлами ва ҳамжамиятлари кундан-кунга кўпайиб бормоқда. Белгиядаги... Брюссел, Антверпенлар эндиликда «соф Оврупа» шаҳарлари сифатида кўрилатгани йўқ. Масжид миноралари, муаззинлар азони... жума кунлари жомеъ масжидларда жамланган дўппию салла, соқолли минглаб намозхонлар... Байрамона кайфиятдаги оломон ичида арабча талаффузлар, арабча шевалар...

Холландия ва Бирлашган Қиролликда ҳам шу аҳвол... Бу ўлкаларда ҳам Исломни қабул қилаётганлар сони кун сайин ортиб бормоқда. Ислом таълимотлари аҳолининг жуда кўп қисмини ўзига жалб қилиб, бошқа динлар орасида устунликка эга бўлиб бораётир. Энди Оврупада Исломни қабул қилиш оддий ҳолга айланди, яъни ҳеч кимни ҳайрон қолдирмаяпти. Қувонарлиси, оврупаликлар ҳавас қиладиган даражада тез суръатларда Исломга юзланмоқдалар.

Оврупада масжидлар, ибодатхоналар, Ислом марказлари, Ислом маданияти ва тамаддуни марказлари қурилиши ҳам авжига чиққан! Насронийлик ижтимоий ва фундаментал соҳаларнинг барча жабҳаларида ўз

мавқеини йўқотмоқда. Бошқа динларга қараганда дунё бўйлаб Исломнинг кенг ва тез тарқалаётганини Ватикан ҳам расман тан олди. Ўтган йили дунё бўйича Исломни қабул қилганлар насронийларга қараганда уч миллион кишидан ошиб кетган. Исломга кирувчилар асосан оврупаликлар ҳисобидан бўлаётгани черковга қатнайди диндор насронийларни ўтакасини ёрмоқда. Ватикан ҳисоб-китобига кўра, дунёда Исломга эътиқод қилувчилар бир миллиарддан ошган, аниқроғи – бир миллиард уч юз йигирма икки миллионга етди. Ҳозирнинг ўзида мусулмонлар сон жиҳатидан насроний таълимотига эргашувчилардан ўзиб кетди: дунё аҳолисининг 19 фоизи мусулмонлар бўлса; 17,5 фоизини насронийлар ташкил қилади. Ватиканнинг тан олишича, айниқса сўнгги йилларда насронийлар, яҳудийлар, бошқа дин ва таълимотларга эътиқод қилувчиларнинг асосий қисми зўр хайрихоҳлик билан «Исломни қабул қилишмоқда».

«Бундай юксалиш дунёда Исломга қарши қилинаётган сон-саноксиз қаршиликлар, туҳмат, бўҳтон ва душманлик тарғиботларига қарамай рўй бермоқда», дея таъкидланади Ватикан декларациясида. Насронийликни тарғиб қилиш ва миссионерлар фаолиятини молиялаштириш учун сарфланаётган мисли кўрилмаган даражадаги катта моддий маблағлар ҳам ёрдам бера олмаяпти. Франция Ички ишлар вазирлиги тан олишича, ҳар йили тахминан қирқ мингга яқин француз Исломга кирмоқда. Айниқса, бу жараён «тутқун»ликда – ахлоқ тузатиш колонияларида жуда катта тезликда юз бермоқда. Ҳукумат ҳозир турмаларда «мусулмонлар кўпчиликини ташкил қиладиган» аралаш гуруҳларни бирга сақлашни ман қилувчи қонун тайёрламоқда. Аммо, ишонамизки, бу каби чоралар ҳам Исломнинг кенг ёйилишига тўсқинлик қила олмайди.

*Оврупа матбуоти асосида
Абу МУСЛИМ тайёрлади.*

ЭНГ АЧЧИҚ НЕЪМАТ (ФАЛСАФИЙ ҚИССАДАН БОБЛАР)

ДОНИШМАНДНИНГ ЎЛИМИ

Ҳамма нарсадан ширин ва аъло неъмат бўлмиш ҳаётнинг интиҳоси – яъни, ўлим инсонни бир умр ларзага солиб келади. Жазо соатларинг яқинлашганда, йиллар бўйи талпинган нарсаларингдан батамом айрилишни ҳис этиш нақадар даҳшат ва бекиёс азоб. Жамики тирик мавжудот охири-оқибат ўлимга маҳкум эканини сезади, аммо унинг бутун фожеасини инсонгина тўла идрок эта олади.

Донишманд ўлим ҳақида авваллари ҳам кўп ўйларди. Ҳатто, қирққа бормаган пайтларида ҳам тенгдошлар даврасида ана шу ҳақда тез-тез сўз очарди. Аммо ҳар сафар бошқаларнинг таъна-маломатларига дуч келарди: «Васвос бўлиб қолибсан, Донишманд» ёки «Тобинг жойидами, жа тушкунликка тушибсан?» дея кўз очиришмасди. Балки бугунги Донишманд деган лақабни ўшанда – ҳаёт ва ўлим ҳақида кўп хаёл сурган, бу синоатнинг тубига етолмай, неча кунлаб бош қотирган йилларда орттиргандир? Ўшандан буён камдан-кам одам унинг гапларига жиддий қарайди: ё ҳазилга буриб юборишади, ё тушунмасликка олишади, чуқурроқ мулоҳаза юритишга эринишади. Донишманд шундан кейин бирор кимсага ўлим ҳақида сўз очмайдиган бўлди. Ўзини бошқаларга ўхшамаслигига, ҳамма каби фикр юрита олмаслигига ишонди. Ақлу-хушидами, фикрларидами ёки руҳиятидами

– ўзи ҳам билмайди – оддий одамлардан фарқли ўлароқ қандайдир бедорлик, рисоладан четга чиқиш ҳолати борлигини англаб қолди.

Унинг наздида ўлим ҳам турлича бўлади. Инсон ақлини танигач, бебаҳо ҳаёт шахсий мулк эмаслигини, у одамзодга вақтинча фойдаланиб туришга берилганини тушуниб етади. Ўша сониядан бошлаб, у ана шу бебаҳо умрнинг ҳар бир соатини бе-самар кетказмасликка интилади. Яхши яшаш ва роҳат-фароғатдан воз кечиб, умрини Аллоҳ таоло розилиги йўлида бахшида эта оладиган кишилар унинг наздида энг бахтли одамлардир. Булар – ёшлиқданоқ ҳаёт ва ўлим моҳиятини тушуниб олганлар, булар – жамиятнинг дуру-гавҳарлари!

Бундай кишиларнинг ҳаёти ҳам, ўлими ҳам ўзгалар учун ғайри-табиий, жумбоқ туюлади. Улар ўзларининг тансиқ умрларини, машаққатлар эвазига орттирилган илму-заковатларини бутуни-сича Аллоҳ таолонинг розилиги учун, У буюрган амалларга сарфлаб юборадилару, аммо бу дунё роҳат-фароғатларига эга бўлишни ўйламайдилар. Уларни атрофдагилар унча тушунмайдилар, хуш кўрмайдилар, уларнинг устидан куладилар, телбага чиқарадилар, бадном қиладилар. Шундаям кўнгиллари таскин топмаса, энди ё барвақтроқ кўҳна дунё билан хайрлашишга мажбур қилишади, ё осонгина ўлдириб қўяқолишади.

Мўминликнинг аччиқ қисмати шундай! Гоҳо Донишманд одамларнинг қилмишларидан фиғони фалакка чиққан, ёруғ дунёдаги қабихликларга нажот тополмай, саросар бўлган пайтларида ана шундай бошқаларга ўхшамайдиган чин мўминларнинг тақдири ҳақида ўйлаб, ўзига тасалли, юпанч топади. Бундай зотлар ҳатто ўзлари яшаб турган муҳитга ҳам сиғмай қоларкан. Улар эса бунга парво қилмай, охират йўлидаги хизматларини бажариб кетишаверар экан.

Донишманд нурсиз кўзларини шифтга тикиб кўп ўйларди. Аслида, инсондек нотавон, мажруҳ, кучсиз жонзод йўқ. Арзимас бир хасталик, кўзга кўринмас зарра унинг умрига нуқта қўйиши мумкин. Бир оғиз аччиқ сўз ёки куруқ туҳмат унинг ҳаётини тенг ярмига қисқартира олади. Бир парча кўрғошин уни ерга чўзилтиради. Аммо шунга қарамай, ана шу нотавон инсон ҳеч жонзот қилмаган ёвузликни қилади, одамларни ўлдирди, юртларни вайрон қилади, Аллоҳ яратган Низомларни ўзгартирмоғи бўлади ва ниҳоят ҳаддидан ошиб, куч-қудратига ишониб, бир куни ўзини ҳамма нарсадан устун, қудратли, ҳамма нарсага қодир ҳис эта бошлайди. Ҳатто, буюк Яратувчиси билан тенглашмоқни ис-таб қолади. Унинг бу телба исёнига фақат ўлимгина чек қўяди.

Донишманд ўлимни эслаб жунжикиб кетди. Ҳа, инсон ҳар қанча куч-қувватли, қудратли бўлмасин, ўлим таълиқаси олдида ожиз, нотавон, ноилоҳ қолади. Дунёни зир титратган саркардаю жаҳонгирлар, бирваракайига минглаб одамларни қатл қилган золим ҳукмдорлар, беҳисоб бойликлар эвазига ҳамма нарсани сотиб олишга, ҳамма нарсага эришишга қодир кимсалар ўлим даҳшати олдида қўйдай юввош тортиб, мусиқадай беозор мўлтираб қоладилар. Темирни букиб ташлаган қўллар, ҳар қандай машаққат, оғирчиликларга чидаган гавдалар ўлим яқинлашганда ҳолсиз, бемажол бўлиб қолади. Ҳаттоки, кунига милёнлаб марта кўзини пирпиратадиган, милёнлаб марта оғзини очиб-ёпадиган инсон ўлим соати яқинлашгач, кўзини юмиб ётишга, лабини қимтиб олишга ўзида куч, мадор, имкон тополмай қолади.

Мана Донишманднинг ўзи ҳам сўнги манзилдан макон топишга тайёр. Энди умр бўйи яшаган, ҳар бир кесаги-тоши азиз ва қадрдон бўлган уй ҳам хувиллаб қолади. Энди ҳеч ким кўчадан унинг исмини чақириб келмайди. Энди у бировнинг марҳаматига, йўқловига, ёрдамига, муомаласига муҳтож бўлмайди. Энди уни дунё матоҳлари, дунё лаззатлари ва нафснинг васвасалари қизиқтирмайди. Энди унинг ҳақида нима деб ўйлашлари, гапиришлари, муносабат билди-

ришлари, турли бўлар-бўлмас гаплар тарқатиб юришлари, уни ким деб аташлари ҳам Донишманд учун фарқсиз. Чунки унинг ҳаётига, ёруғ дунёдаги қилган ишларига баҳо ва ҳукм Аллоҳ таолонинг ихтиёрида...

Барча қартайган, ношуд ва ёлғиз қариялар каби Донишманд ҳам ўлимни узоқ кутди. Ўзича бу фоний дунё билан аллақачон ҳисоб-китоб қилиб бўлганди. Ҳаёт шомига аллақандай илҳақлик, интизорлик билан кўз тутди. Ҳар куни деразадан тушган ёруғни кўриши билан «Бугун ҳам яшаб қолибман-да», дея ўкинч билан ҳаёлидан ўтказди.

Унинг учун бу ёруғ оламда ҳеч қандай илинж қолмаган. Ҳаммасини кўрди: яхши кунларни ҳам, алам ва изтиробни ҳам. Ойнинг ўн беши қоронғу, ўн беши ёруғ, дейишган-ку! Бахтли соатларида қувончдан боши айланмади, ғам тушганда кўп ҳам қайғурмади. Турмуш синоатларига ода-тий воқеадай кўксини қалқон қилиб бораверди. Тўнғич фарзандининг гўдак ёшидаёқ қазосини ҳам, рафиқасининг ўлимини ҳам, ёлғиз кенжасининг бемехрлигини ҳам сабр билан, хотиржамлик билан кутиб олди. Маҳалла аҳлининг кўп қисми ўзини унча хуш кўрмаслигини, одамгарчилик учунгина тишининг оқини кўрсатиб қўйишини ҳам яхши билади, аммо парво қилмайди. Ўзининг қандоқ яшагани, нелар қилганини Олий ҳакам – Аллоҳ таоло кўриб турибди-ку!

Фақатгина набиралари ора-сира келиб, ҳовлини шовқинга тўлдирганларида кўзларида шуъла жилва қилиб қолади. Уларнинг «чуғур-чуғур»ига қулоқ солиб, булоқ суви симиргандай кўнгли ёришади. «Яхшиям ўлмаганим, ахир булар кимни опоғдада, деб чақиради?» дея ҳаёлидан ўтказди.

Донишманд вақтнинг, фурсатнинг ҳисобини ва маъносини йўқотиб қўйган. Ҳатто, ўзининг қанча умр кўрганини аниқлашга ҳафсаласи келмайди. Фақат туннинг жуда узоқ давом этишини яхши эслаб қолган. Кечаси билан неча марта кўзи илинади, қанча бор уйқуси қочади. Гоҳида ўзининг ўлик-тириклигини ҳам яхши англолмайди.

Аммо гиёҳхандларнинг хуш кайфи каби бу ғалати ҳолат зумда ғойиб бўлиб, яна у аслига қайтади. Ташқарида одамларнинг овози, болаларнинг қичқирғи ёки кушларнинг сайраши эшитилади. Шунда руҳиятидаги тушқунлик, мажруҳлик, лоқайдлик бир дам йўқолади. Ўрнидан қўзғолиб, каравотидан тушади. Суякларининг зорланиб, мойланмаган гупчақдек ёқимсиз ғичирлашига қулоқ солганича, уй ўртасидаги хонтахта ёнига келиб ўтиради. Дамлаб, устига ёпқич ёпилган чойнакдан танга кўмгудек чой ичади. Увишган баданига иссиқ югуради. Бўртиқ томирлар ҳам унча кўзга

ташланмай қолади. Ҳофизаси асли ҳолига тушгандай, ўтмиш йилларини бирма-бир кўз олдида келтира бошлайди. Ўсиқ қошларини силаб, устки лабини чайнамоқчи бўлгандай қимтиб, узоқ ўй суриб ўтиради.

Кейин судралиб, машаққат билан ўрнидан туради. Қон юришмай қотган тиззаларини силай-силаи бир-икки қадам ташлайди. Қийналиб таҳорат олади, жойнамозга чўкиб, узоқ ибодат қилади. Қалтироқ, буришиқ қўлларини бемажол чўзганича Парвардигорга ёлборади, гуноҳларига мағфират сўрайди, қабр азобларидан, охират даҳшатларидан паноҳ тилайди.

Машаққат билан ташқарига чиқади. Қайта сувга ташланган балиқдай соф ҳаводан ютоқиб нафас олади. Атрофига ширин илинж, энтикиш билан назар солади. Ер намдан кўпчиб, семириб ётганини, у ер-бу ердан беҳол майсалар ниш уриб чиққанини, ҳавода хушбўй ва илиқ тафт сузиб юрганини илғаб олади. Нафас олиши тезлашади, юраги ҳам борлигини сездириб қўймоқчи бўлгандай ғимирлаб қолади. Шунақа пайтда ёш боладай ҳамма ёққа ҳайрат ва қизиқиш билан аланглаб, ҳаётнинг барибир ширинлиги эсига тушади. Яхшиямки, ўлиб қолмаганим, дея ҳаёлидан ўтказди.

У ўзини аллақачон олий синов - ўлимга тайёрлаб бўлган. Дарҳақиқат, инсон бу кўҳна дунёда уч бора қаттиқ имтиҳондан ўтади, дейишади. Бири – туғилмоқ, бири инсонсифат яшамоқ, бири эса – жон таслим этмоқ. Эсон-омон туғилган экан, мана шунча йил умр кўрди. Унинг қандоқ яшаб ўтганини эса ёлғиз Аллоҳ таоло билади. Учунчи, энг оғир ва даҳшатли синов ҳам уни унчалик кўрқуга солмайди. Ўлим инсонни дорил амалдан дорил жазога олиб ўтадиган бир йўлак. Ўлимдан ҳаётини бесамар ўтказганлар, инсонларга ёвузлик қилиб, гуноҳга ботганлар, эзгулик ва инсоф, имон ва диёнатдан йироқ кимсалар кўпроқ кўрқади. Донишманд эсини танигандан буён ўтган умрини кўп бора сарҳисоб қилди. Аммо шунча йил яшаб, фақат бир нарсанинг тубига етолмади, ўша саволига жавоб тополмади. Бу ҳақда ўйлагани сари яна янги-янги жумбоқларга рўбарў келаверди.

Инсоннинг умри жуда қисқа. Қуръони карим ҳабарига кўра, инсонга қайтадан жон ато этилганда, унга дунёда гўё бир соат яшагандек туюлади. Ана шу қисқагина умрда Эзгулик билан Ёвузлик ҳамиша инсонга ҳамроҳ бўларкан. Яхшилик билан ёмонлик ёнма-ён юраркан. Инсон нима яхшию нима ёмонлигини англашга умр бўйи интиларкану, аммо унга ажратилган йиллар кўпинча бунинг учун камлик қилиб қоларкан. Бир донишманд айтгандай: «Ўлим – сен томонга отилган камон, ҳаёт – шу камоннинг

етиб келиши орасидаги фурсат».

Ана шу ўлим ва ҳаёт моҳияти эмасмикин? Шунчалик умр қисқа, ўлим шунчалик тез талпиниб келаркан, нега эзгуликка, солиҳ амалларга вақтни кўпроқ ажратмаймиз, қимматли йилларни бесамар, бефойда ишларга, ҳою-ҳавасларга, нафс васвасаларига қурбон қилиб юборамиз, журму-исёндан бўшамаймиз? Нега? Бу саволларга жавоб бермоққа Донишманд ҳам ожиз!

Донишманд бунинг фаҳмига етмоқчи бўлади. Лекин унга ўша машъум савол асло тинчлик бермайди, ҳаёлларини турли томонга судрайверади: «Хўш, эзгулик ва ёвузлик биз билан доимо ҳамроҳ экан, не учун хайрли ишлар қилганлар ҳаётда ўз яхшиликларининг роҳатини кўрмайдилар, ёвузлар эса қилмишларига яраша жазо олишмайди? Нега ўзгаларни алдаш, эзиш, хўрлаш ҳисобига лак-лак бойлик, мартаба орттирганлар қийинчилик кўрмай, умрларини роҳат-фароғатда ўтказадия, билъакс ҳаётини инсоф, адолат йўлига тикканларнинг боши йўқчилик, машаққатдан чиқмайди? Нечун бу дунёда ёмонларнинг ошиғи ҳамиша олчию, диёнат ва заковат эгаларининг бошлари эгик, кўзлари ёшлуғ!»

Шунақа маҳзун ва дилгир пайтлари ўзидан аввал ўтиб кетган инсонларнинг кечмишларини ўйлайди, уларнинг қандай яшаб ўтганини ҳисоб-китоб қилади, қаерда, қачон хато қилганини, гуноҳга ботганини аниқлашга тушади. Гоҳида ўша воқеаларнинг хобидами ёки рўёда содир бўлаётганини англолмай қолган пайтларида марҳумларнинг руҳи билан тўқнашгандай туюлади. Улар билан ўзича узоқ суҳбат қуради, ҳасрат ва армонларини эшитади, надомат тўла юракларига таскин ва тасалли беради. Шунда у бу дунё шунчаки бир қўноқ, карвонсарой эканини, ҳақиқий ҳаёт, боқий дунё охиратда эканини англаб етадию, кўзи ярқ этиб очилади. Ўлим – улуғ бир ибрат, синов дунёсининг интиҳосию илоҳий фароғат олами бўлмиш охиратнинг ибтидоси эканини англаб етади. Лаблари Шайх Саъдийнинг мисраларини пичирлайди:

*Ҳаёт бир нафасдир, ҳар дам – ғанимат,
Ҳар бир дамга беринг оламча қиммат.
Оламга ҳукмдор эрди Искандар,
Оламни қолдириб кетди ул Қайсар.
Умрин чўзолмади бир нафас, бир дам,
Бир дам учун бутун олам бериб ҳам.*

Донишманд кечга бориб жон таслим қилди. Сўнги нафаси «Ла илаҳа иллаллоҳ» билан чикди. Атрофида ҳеч ким бўлмагани учун жон талвасасида кўзларини маҳкам юмиб олди.

Абдуллоҳ НОДИРОВ.



НАПОЛЕОН МУСУЛМОН БЎЛГАНМИ?

Франсия ва бутун Оврупанинг тарих чархпалагини остин-устун қилиб юборган император Наполеон Бонапарт ҳақида бугунгача юзлаб китоблар босилиб чиққан. Уларда Наполеоннинг ҳаёт йўли ва шахсий сифатлари кенг ёритилган. Баъзи китоблар эса унинг ҳеч кимга ўхшамаган жиҳатларини тасвирлаган. Генерал Жорж Сулаймоннинг «Наполеон ва Ислом» китоби ана шундай асарлар сирасига киради.

Маълумки, Наполеон ҳазрати Ийсо пайғамбарнинг устунга михлаб ўлдирилганига ишонувчилар доирасида катта бўлган. Онаси кўксида хос осиб юрарди. Шундай экан, Наполеон аввало насоро бўлган. Аммо кўпгина кузатув ва мушоҳадалар Наполеоннинг Ислом динини ва мусулмонларни жуда қаттиқ ҳурмат қилганини кўрсатмоқда. Жумладан, у Мисрга ҳужум қилиш

арафасида қўмондонларига бундай дейди: «Биламанки, кўпчилигимиз иймонли кишилар эмасмиз. Лекин биз урушадиган ўлка мусулмонлар мамлакатидир. Биз уларнинг динини ҳурмат қилишимиз, урф-одатлари ва байрамларига аралашмаслигимиз керак».

Наполеон ҳижрий 1213 йилнинг 18-муҳаррам куни (милодий 1793 йил) Миср халқига бундай му-

рожаат қилди: «Эй қозилар, шайхлар, имомлар! Халқингизга бизнинг ҳам мусулмонлигимизни айтинг. Шаҳодат этамизки, Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ ва Муҳаммад (алайҳиссалом) Унинг элчисидир. Сизларга бир саволим бор: «Биз Исломга тажовуз қилган Папани йўқ қилмадикми?...»

Бир қарашда бу сўзларни буюк саркарданинг ҳийласи деб ўйлаш мумкин. Наполеон ўзини Ислом динини ҳурмат қилаётгандек кўрсатиб, арабларни ўзига оғдирмоқчи бўлаётгандек туюлади. Бундай шубҳанинг туғилиши табиий. Бироқ Наполеон Мисрдан Франсияга жўнаётиб фаранг адиби Хатю Брайэндга (1768-1848) айтган ушбу сўзлари мазкур шубҳаларни бирмунча тарқатади: «Мен мисрликларни чўлда қиблага қараб тавозеъ ичра рукуъ ва сажда қилаётганларини сира унута олмайман. Уларнинг Парвардигори сурати ва тимсоли йўқ олий бир қудратдир».

Наполеоннинг дўсти Жоржнинг эътироф-хотираномаси буюк саркарданинг бу борадаги қарашларини янада ойдинлаштиради. Жорж хотираларида император Наполеоннинг бўғиқ овозда Қуръон ўқиганини ва ҳазрати Муҳаммаднинг (алайҳиссалом) дини барча динларнинг энг олийи деганини очиқ айтади. Жорж бошқа бир хотирасида эса Наполеоннинг: «Барча динлар мўъжизаларга ва биз кўра олмайдиган қудратга таянади, лекин, менимча энг олий дин Исломдир, чунки унда тотемчилик (ҳайвон ва ўсимликларга сиғиниш) ва бутпарастликка йўл қўйилмайди», деган сўзларини келтиради. Бу далилларнинг ўзиёқ императорнинг Исломни бошқа барча динлардан устун кўрганини исботлайди.

Бонапартнинг Исломни афзал тутиши мутлақ ҳақиқат ва мустаҳкам асосга таянган. Чунки у ўз қарашларини бир неча марта бошқа-бошқа муносабатлар билан такрорлаган. Наполеон жуда кўп мутолаа қиларди, шу аснода Ислом ҳақида маълум тушунчага эга бўлгани аниқдир.

Наполеон император бўлишига қарамай, унинг адабиётга муносабати фавқуллоҳда кучли эди. Унинг «Маскалий» номли театри ҳам бор эди. Бу театрнинг бир дастурида Наполеон билан мисрлик уч уламо ўртасида қуйидаги мунозара кечади: Наполеон уламолардан бири Сулаймонга: «Аллоҳу акбар, ла илаҳа иллаллоҳ, Муҳаммадар Расулulloҳ, шаҳодат этаманки, мен иймонлиларданман», дейди. Сулаймон унга жавобан: «Ассаламу ала Расулulloҳ, сизга салом бўлсин, эй музаффар қўмондон», дейди. Наполеон эса: «Эй навқирон олим, саломинг учун кўп раҳмат. Сенга шуни очиқ айтишим керакки, Қуръон қалбимни очди, кўзимни нурлантирди. Ҳазрати Муҳаммадга



муҳаббатимнинг чеки-чегараси йўқ. Иншааллоҳ, яқинда Байтуллоҳни ҳаж қилурман, бунини тезлатишга ҳаракат қиламан. Бироқ Аллоҳнинг иродаси ва истаги мени сипоҳиларни қўлга олиш учун Мисрга жўнатди», дейди.

Юқоридаги сўзлар саҳна асарининг кичик бир парчаси, холос. Наполеон Сайнт Хейлайн оролига сургун қилинганида сиёсий ҳаётдан мутлақо узилган, ташқи дунё билан алоқаси йўқ эди. Ўша кезде у Исломдан сиёсий мақсадларни кўзлаб иш тутиши ҳам мумкин эмас эди. Чунки қаршисида урушиш учун на бир мусулмон лашкари (ўрдуси), на бир оддий мусулмон бор эди. Шунга қарамай, Наполеон Исломдан алоқасини узмади. У вафот этганида ёстиғи остидан Қуръон топилгани бежизга эмас.

Наполеондек тарихий шахснинг Исломга муносабатини янада чуқурроқ тадқиқ қилиш қийин. Лекин шу нарса аниқки, у Исломдан фақат сиёсий манфаатлари учун фойдаланмади. Ёшлигида Исломга нисбатан ҳавас туйғулари уйғонган бўлса, кейинчалик бу ҳавас иймон туйғусига айланган эди. Мана бу эътироф сўзлари ҳам айнан Наполеон Бонапартга тегишли: «Аллоҳ таолонинг бирлигини ва борлигини Мусо алайҳиссалом ўз миллатига, Ийсо алайҳиссалом ўз умматига, Муҳаммад алайҳиссалом эса, бутун инсониятга маълум қилди»; «Бир миллатнинг эркаклари мард ва жасур, аёллари ифбатли ва ҳаёли бўлса, у миллатни ҳеч бир куч мағлуб этолмайди, бу миллат мусулмонлар миллатидир». Бу ҳаққоний сўзларга қўшимча қилишнинг маъноси бўлмаса керак?!



ИСТИБДОД МАНЗАРАЛАРИ

ТАРИХ САБОҒИ

Ёзувчи Фозил Зоҳиднинг келтиришича, 1873 йилнинг 29 май куни Хоразм тарихи саҳифасига қора ҳарфлар билан ёзилди. Босқинчиларнинг ҳарбий юришлар ва қирғинбаротлар оловида то-бланган кўпсонли қўшинлари хонлик пойтахти Хива қалъасига бостириб кирди, муқаддас жойларни оёқ ости қилди, асосий зарба диний ва миллий кадриятларга қаратилди.

Тарихий манбаларда келтирилишича, қалъани истило қилишда 44 та замбарак, бошқа ўт очиш қуроллари ишга солиниб, масжид-мадрасаларга, мақбара ва минораларга қарата ўқ отилган. Жума масжидига тўп отилган пайтда масжид минорасида азон айтаётган муаззин овози янраган. Шу куни олов халқасида қолган 17 та масжидда жамоат бўлиб намоз ўқилган. 22 та мадрасада машғулот давом этган.

МАЗЛУМНИНГ БАҲОСИ...

Туркистон генерал-губернатори А. Духовскийнинг чор Русияси подшоҳига ахборотидан: «Бизнинг уйкуда ётган йигирма икки солдатимизни ўлдиришга улгургани хунига қўзғолончилардан 2200 киши ўлим жазосига, 200 киши сургунга ҳукм қилинди. Қўзғолончилар раҳбари Дукчи Эшон яша-



Туркистон генерал-губернатори
А. Духовский

ган жой теп-текис қилиб ташланди. У ерга икки юз хонадонли рус қишлоғи қурдирилди ҳамда улардан (қўзғолончилардан) контрибуция (товон пули) ундириб олишга мажбур қилинди». (Хисао Куматсу, «Андижон қўзғолони ва Мадали Эшон», Токио, 1989 йил).

Генерал Черняев ашаддий шовинист (миллатчи) эди. Унинг наздида ўзбеклар, қирғизлар (қозоқлар), қипчоқлар ва бошқа халқлар фақат чопон кийиб юргани учунгина қириб ташлашга лойиқ эди. (З. А. Кастелская, «Из истории Туркестанского края», Москва, 1980 г.).

Кўктепа жангида жон бераётган бир мулланинг: «Саккиз минг бегуноҳ одамни ўлдирганинг учун виждон азобиға қолмайсанми?» деган саволиға Фарғона губернатори генерал Скобелев юзсизлик билан: «Йўқ! Талафот саксон мингга етмаганиға ачинаман», деб жавоб берган. Яна у: «Тўқилган ҳар томчи рус қони учун душман (ўрта осиеликлар) қонини дарёдек оқизаман», дея мақтанган. Фарғонанинг бошқа бир губернатори Иванов эса: «Бир минг сарт бир рус солдати этигининг пошна-сига арзимайди», деган. (Мажид Ҳасаний, «Юрт бўйнидаги қилич», Тошкент, 1997 йил).

1868 йилнинг ёзида генерал К. П. Кауфман буйруғи билан Самарқанд шаҳри тўпга тутилди. Зобитлар қуршовида зафар ўриндиғига ястаниб олган олийжаноб Константин Петрович (Кауфман) тўхтовсиз папирос тутатар ва бутунлай шафқатсиз оҳангда: «Отиб ташлансин! Отиб ташлансин! Отиб ташлансин!», деган гапини такрорларди, холос. (Рус рассоми В. Верещагин хотираларидан).

БИР ВАҲШЙЛИК ОҚИБАТИ

Бу ваҳшиёна юриш (1873 йили генерал Веревкиннинг Хива хонлигидаги Қўнғирот, Хўжайли, Манғит, Гурлан ерларини вайрон қилиши) оқибатида на инсонлар ва на уй ҳайвонлари қолди... Қозоқ (казак) отлиқлари кўзга кўрингани отиб, қариялар, боболарни, аёлу атволни қилич билан чопиб (генерал Фон Кауфман, Головачевларнинг 1873 йилда Хивани қирғин қилиши), сут эмадурғон ўғлонларни найза билан санчиб ўтга отар эдилар. Ондан ўтиб, яна бир ёвмут жамоаларини қатл этдилар. Йигирмадан ортиқ хотунлар ўғлонларини қучоқларига олиб қўлга кириб, сўз ичида, экинларнинг ораларида пинҳон бўлиб туриб эдилар. Русия аскарлари аларни кўриб милтиқ ўқи билан отуб қатл этдилар...

1881 йил 1-12 январда генерал М. Д. Скобулев



Генерал Черняев



Генерал М. Д. Скобулев

туркманларнинг Кўктепа қалъасида қирғин уруши олиб борди. 12 январ куни сўнгги мудофаатчилар тигдан ўтказилди. Ярадорлар ҳам найзага тортилди. Қирғин охирида фақат беш минг хотин-қиз омон қолдирилиб, улар ғолиб аскарлар ихтиёрига берилди. Номуси оёқ ости қилинган бу аёллар Эрон феодалларига сотиб юборилди. Кўктепадаги қирғинбарот урушини рус генераллари мақтаниб, «Иккинчи Бородино» жанги деб атайдилар. (Муҳаммад Юсуф Баёний, машҳур шоир ва тарихчи).

ҲАЁТ – АЛЛОҲ НЕЪМАТИ



Ногиронлар аравачасига михланиб қолган ва йигирма бешта тилни биладиган Максим Ситников Исломга ўзича йўл топди. Бунга у муҳаббат орқали эришди. У болалигида мушак хасталиги билан оғриб, касаллик оқибатида умуман юролмай қолган эди. Тоҳа (унинг исломий исми шундай) ғамга ботмади ва узлатга чекинмади. Аксинча, ўз тижоратини йўлга қўйишга муваффақ бўлди ва жами олти миш кишини иш билан таъминлаган ўнта кичик ва ўртача корхонанинг бошқарувчи директори бўлди. Бундан ташқари, турли пайтларда хорижий тиллардан сабоқ берди. Максим ҳаётининг сўнгги йилларида, Мисрга сафар қилиб, у ерда бўлажак рафиқаси, мисрлик Хана билан танишганидан кейин мусулмон бўлди.

Максим Исломни қандай танигани ҳақида бундай дейди: «Менга дин ҳақида кўп савол беришди. Баъзан гўё рус халқига «хиёнат» қилганим ёки ватанимдан «юз ўгирганим» туйғуси билан сўрашади. Худди маълум бир дин билан маълум бир халққа чамбарчас боғлаб қўйилгандай. Аммо ватаним менга ҳеч қандай динни бермаган эди. Ўн беш ёшимгача муаллимларимиз миямга қуйиб ташлаган «Худо йўқ» деган сўзни такрорлашдан бўшамаганман. Бувим комсомол аъзоси эди. Ота-онам ҳам ашаддий даҳрий бўлишган. Шундай қилиб, советлар ватани ҳам, худосиз ота-онам ҳам мени ҳеч қандай дин билан таништиришмаган, шу нуқтаи назардан ўзимни мутлақо эркин ва ҳеч нарса билан боғланмаган сезаман.

Турли динлар ҳақида анча нарса билардим: кўп ўқирдим, амалиётда ҳам кўрганман. Охири «анъанавий» православиени танладим ва ўн олти

ёшимда Москвадаги Ваганков қабристонига Воскресения черковида чўқинтирилдим. Мени Василий ота чўқинтирганди. Кейин бир йил Православ илоҳиёт институтида ўқидим, болалар колониясида Инжилдан сабоқ бердим, ўқитувчилар малакасини ошириш институтида дин ҳақида маърузалар қилдим. Мунтазам черковга қатнардим, руҳонийлар ва диндошларим билан мулоқотда бўлардим. Ҳатто патриарх Алексей Иккинчи Йошкар-Олага келганида мени дуо ҳам қилган эди.

Православиени қанчалик чуқур ўргансам-да жуда кўп саволларимга жавоб тополмас, ундаги қарама-қаршиликлар тагига етолмас эдим. Бу эса мени асло қониқтирмасди.

Агар мени Исломдаги нима жалб қилгани ҳақидаги саволга қисқача жавоб берадиган бўлсам, бу дин менга мантиқлироқ, тушунарлироқ

ва тўғрироқ туюлаверди. Бежизга Исломни «динларнинг олтин мўътадили» деб аташмайди. Унда ҳаётдан никоҳсиз ўтиш каби ғайритабиий одатлар, ҳашамдорлик, бажарилиши қийин маросимлар йўқ.

Айримлар мени Ханага уйланиш учунгина Исломни қабул қилган, деб ҳисоблашади, аслида бундай эмас. Бу қанчалик ғалати туюлмасин, икковимиз ҳам Исломга биргаликда, аммо бошқа-бошқа йўллار билан келганмиз. Учрашганимизгача Хана Исломдан анча узоқлашиб кетганди, «эмансипатсия» деганларидай, ота-она хонадонини тарк этган, қўл ва оёқларини очиб оврупача кийинар, бошга рўмол ўрамас, ишга кирган эди. Мен эса яккахудолик издошлари дини бўлган Исломни энди таниётган эдим. Ана шундай ҳолатда бизлар учрашдик.

Никоҳдан ўтганимизга ярим йил бўлгачина расман Исломни қабул қилдим. Шундан буён Хана икковимиз диндаги етишмовчиликларни тўлдиришда бир-биримизга кўмаклашамиз. Эндиликда Хана шариатнинг барча талабларини қатъий бажаради: намоз ўқийди, рўмол ўрайди, рўза тутайди, камбағалларга кўп ёрдам беради».

Интернетдаги шахсий саҳифасига келган кўпсонли фикрларга кўра, ҳаста ва ёрдамга муҳтож тана, аммо енгилмас ирода ва гўзал қалб соҳиби Максим ниҳоятда ажойиб, ҳеч кимга ўхшамаган инсон эди. У Аллоҳ томон ўз йўлини узоқ излади ва воқеаларга тўла сермазмун умри ниҳоясини холис эътиқод, кучли иймон билан Парвардигорга итоатда ўтказди. Мусулмон бўлгач, ҳамма соҳада Ислом арконларига қатъий амал қилишга тиришди.

Максимнинг ҳаёт йўли билан танишар экансиз, аравачасидан туролмайдиган бу йигитнинг ҳатто соғ одамлар ҳам орзу қилолмайдиган сермазмун умр кечирганига гувоҳ бўласиз. У ўн олти ёшидан бошлаб қурилиш компанияси учун режа ва лойиҳалар тайёрлаб пул топди. Институтда ўқиш пайтида ўрта мактабда инглиз, олмон тилларидан, хусусий мактабда лотин ва юнон тилларидан дарс берди, таржимонлик қилди. 1990 йилда педагогика институти аълога тугатиб, «Gute Botschaft Verlag»да олмон ва франсуз тилларидан русчага, рус тилидан оврупа тилларига таржима билан шуғулланди. Ишхонасидагилар унга шунчалик ишонишардики, ҳатто бир гал тил билишини сўраб ҳам ўтирмай голланд тилидаги матнни таржимага беришади. У эса бу тилни билмаслигини айтиб ўтирмай, икки ҳафта ичида

голланд тилини ўрганади.

Кейин беш йил нашриётда таржимонлик қилди, йигирма етти ёшида етарли пул тўплаб, бу соҳада ўз тижоратини бошлади. Энди у йигирма таржимонни иш билан таъминлаган эди. Кунига ўн тўрт соатдан ишлаган Максим тез орада кўчмас мулк ва кадрлар бўйича агентликлар, совға бизнеси, вилоятдаги энг яхши фотостудия, маҳаллий газета каби бир неча тармоқни бирлаштирган каттагина компания раҳбарига айланди. Тиришқоқ ва қатъиятли йигитни 1996 йили Марий Эл республикаси Думасига депутат қилиб сайлашди. «Қийинчиликларни енгиланинг энг яхши йўли фақат бугунги кун ҳақида ўйлаш, узоқ келажак ҳақида бош қотирмай қўйдим, ҳар бир кундан иложи борича кўпроқ фойдаланиб қолишга тиришаман», дейди у.

Улар Мисрнинг Хургада шаҳридаги меҳмонхоналардан бирида танишишди, Хана бу ерда уқаловчи (массажчи) бўлиб ишларди. Максим унинг сеансига қатнай бошлади ва бўлажак рафиқаси билан дўстлашиб қолди. Бироз вақт ўтгач, Максим ҳатто Интернетда Хана учун алоҳида саҳифа очди. Икки ёш бир-бирига ёқиб қолган бўлса-да, ҳеч қандай тўй ҳақида гап йўқ эди. «У билан мулоқотга киришганимда бу чет элликнинг бунча кўп нарсаси билиши мени ҳайрон қолдирди. У билан ҳамма нарсаси тўғрисида: тарих, Қуръон, дунё ҳақида суҳбат қуриш мумкин эди. Фақат бир нарсаси – ногиронлар аравачаси кўнгилни хижил қиларди», дея хотирлайди Хана.

Россияга қайтгач, Максим Ханага мактублар йўллаб бошлади. У қизга шунчалик ёқиб қолгандики, орадан кўп ўтмай у йигитга турмуш қуриш таклифини изҳор этди. Сўнгги суҳбатларидан бирида Максим мисрлик хотини ўша ерда бир боғлари бўлишини орзу қилаётганини айтган эди. Хана пўртахол бўстони истарди. «Бу ҳаётда у Миср деҳқони бўлишга ҳам улгурди», дея эслайди аёл.

...Ўлимидан сал олдин, 2007 йилнинг мартида Максим Исмоилиядан ажойиб бир боғ сотиб олди, унинг ўртасида ногиронларга қулай муҳташам уй қурмоқчи эди. Гоҳида орзуларимиз биз истагандан ўзгачароқ рўёбга чиқади. Лекин Максимнинг дўстлари ва яқинлари уни дунёдаги энг гўзал бўстон – жаннат боғлари кутаётганига ишонишади.

Басура НУРМУҲАММЕДОВА тайёрлади
(Islam. Ru сайтидан).

Максим ШЕВЧЕНКО

КИМГА ТАЪЗИМ ҚИЛМОҚЧИСИЗ?

Россия муҳолифатининг Америка элчихонасига «таъзим» учун бориб туришини мен мутлақо табиий бир ҳол деб ҳисоблайман. Чунки бу Россия либерал зиёлиларининг табиатига хос нарсас. Улар ҳамиша ўз мамлакатларини номукамал ва ёмон санаб келишган. Улар яна Ғарбда, чегаранинг нарёғида Россияни қандай эпаккага келтиришни аниқ билладиган доно кишилар борлигига доимо ишониб юришади.

Либерал зиёлилар Россияни Ғарбнинг бир қисмига айлантериш, бундан ҳам яхшиси, уни бўлиб ташлаб, Ғарбдагига ўхшаш жуда шинам ва яшашга қулай мамлакатларга айлантериш орзулари борлигини ҳам унча яширишмайди. Бу ғояни қачонлардир тўқсонинчи йиллар бўсағасида Старовойтова хоним ўртага ташлаган эди, зиёлиларимиз мунтазам бу ғоя билан ўралашиб, уни доимо такрорлаб туришади. Табиийки, шу боис демократияга, асосийси, бутун дунёда миллий демократияга ҳомийлик қилладиган «сахий амаки» ҳузурига йўрғалаб қолишади. Чунки барча миллий демократиялар йигирманчи асрдан буён, Вудро Вилсон меморандумидан бошлаб америкаликлар томонидан қўллаб-қувватлаб, молиялаштирилиб ва ривожлантириб келинаётир. Олдинига улар миллат нима-лигини, нега манави одамлар миллат эканини, бошқалари миллат эмаслигини аниқлашади, кейин уларга ажратилган ҳудудларнинг чегараларини чи-зиб беришади.

Бизнинг либералларимиз жаноб Макфол (АҚШнинг Россия Федератсиясидаги фавқуллодда ва мухтор элчиси – тарж.) ҳузурига қалб даъвати билан, ўз табиатлари амрига кўра ва айнан ўзлари Россия империяси, Совет Иттифоқи ва Россия Федератсияси харобаларида шаклланувчи миллат бўлишни истаётганлари учун ҳам серқатнов бўлиб қолишган.

Аммо мен Макфолни «пуштиранг инқилоблар» бўйича мутахассис» сифатида ёмонотлиқ қилмоқчи эмасман. У Россия бўйича йирик мутахассислардан, рус тилида ғоятда мукамал сўзлашади, мамлакатимизни ҳам жуда чуқур биледи, рус адаби-

ётидан ниҳоятда яхши хабардор. У бир қарашда мамлакатимизни ёмон кўрадиган кишига ҳам ўхшамайди. Шунчаки, у бир америкалик ва барча софдил америкаликлар қатори ўз салтанатига хизмат қилади. Унинг салтанати эса Россия Федератсиясининг парчаланиб, иқтисодий ва маданий алоқалар узилиб кетишидан ва унинг ўрнида Вашингтоннинг қош-қовоғига мўлтираб қараб турадиган бир қанча майда давлатчалар ташкил этишдан манфаатдордир.

Фикримча, Макфол либерал зиёлиларимизнинг асл моҳиятини, унинг сотқинлиги ва хиёнаткорлигини, яшаб турган мамлакатларига нафратини жуда яхши биледи. Бу иллатлар, жумладан яқинда Евгений Албатснинг якшанбалик дастуридаги «Левада-центр» сотсиология маркази вакилининг гапларида намоён бўлди. Унинг айтишича, ҳозир аҳолининг каттагина билимдон қисми Путинга қарши эмиш, саводсиз, жоҳил, қандайдир «ифлос» қатламлар Путинни ёқлаётган эмиш. Либерал зиёлилардан аксариятининг чўнтагида эса кўп ҳолларда иккитадан паспорт, қалблари эса уч томонга талпинади.

Бироқ масала шундаки, нега биз Америка салтанати амалдоридан ўзига бажариш топширилган ишни қилмасликни талаб этишимиз керак? Макфол ўзини Рим прокуратори (ҳукмдори) Понтий Пилат каби тутишга ҳаракат қиляпти. Ва биз нима учун ундан Рим манфаатларига хизмат қилмасликни талаб этишимиз даркор? У Рим манфаатларига хизмат қилмасдан туролмайди. Шунинг учун биз бунақа Римча ўйинларни бас қилишимиз зарур...

Аслида «пуштиранг» жараёнлар бир «олабўжи» холос, ундан кўрқиб ярамайди. Бу бир давлатнинг

бошқасига нисбатан қўллайдиган технологияси, усули, холос. Унда нега бу усулни бошқаларнинг ўзига қарши қўлламаётганимиз менга алам қилади. АҚШнинг ўзида Америка империясига қарши ўзларининг курашларини қўллаб-қувватлашга Россия яна қайтса бахтиёр бўладиган одамлар – қоратанлилар, ҳиндулар, сўлчилар, ўта ўнгчилар, хулласи турли тоифадагилар тўлиб-тошиб ётибди. Шўрлик миттигина Куба Фидел таслим бўлмагани учунгина кўп йиллардан буён яшаб турибди. Америкада Фидел қўллайдиган ва Фиделни ҳам қўллаб-қувватлаб турадиган кишилар ҳам анчагина.

Агар америкалик амакига ёқиш учун ўринга омонатгина ўтирадиган бўлсанг, ўлимга маҳкумсан, бу ҳолда ҳеч қандай америкача технологиялар ҳам керак бўлмай қолади. «Пуштиранг инқилоблар»ни ташкил этиш жуда осон иш: тармоқ коммуникатсиялари, майдондагиларнинг ижобий ва ҳукуматнинг салбий қиёфасини яшаш, бир йўлбошчини кўтариб чиқиш ва уни четдан туриб тан олиш орқали мартабасини ошириш керак, холос. Бу борада ҳеч қандай янги ихтиронинг кераги ҳам йўқ, бунинг ҳеч бир ёмон томони ҳам йўқ. Шунчаки бундай усулни душман томоннинг ўзига ҳам қўллаш керак. Шу тариқа АҚШда тўс-тўпалон чиқариб юбориш мумкин. У ерда инқилоб ташкиллаш эҳтимоли Россиядагидан ҳам кўпроқ. Фақат бу иш билан жиддий шуғулланиш зарур. Бордию ўтирволиб, бизга қарши «пуштиранг усулларни» қўллашаётгани ҳақида вайсамоқчимисиз, нима бўпти, қўлласса қўллаверсин! Қаршилиқ кўрсатиш ўрнига «урманг, урманг» деяверсанг, табиийки, бошлаб дўппослашади ва охири ўлдириб ҳам қўйишлари мумкин. Бунинг ўрнига қаттиқ қаршилиқ кўрсатиш даркор.

Бунинг учун нима қилиш керак, дейсизми? Эронни қўллаш, уни қуроллантириш зарур. У ерга ЗРК С-300 ракеталарини, кемага қарши отилладиган «Рапира» ракеталарини жўнатиш керак. Сурияни қуроллантириш, Фаластин Қаршилиқ ҳаракатини қуроллантириш даркор. Афғонистондаги қуролли муҳофазатни қўллаш, «Толибон» ҳаракатини тан олиш, Виктор Бутга озодлик талаб қилиш лозим. Яна ФАРК кўнгилли отрядларини ҳам қўллаб-қувватлаш керак, токи улар Кариб ҳавзаси ҳудудидаги етакчи давлатда АҚШга қарши «қизил рангли» инқилоб ташкил этишсин. Ишонинг, ўшанда Россияда «пуштиранг инқилоб» муаммоси ўз-ўзидан ғойиб бўлади.

Парламент республикаси ташкил этиш Россия муҳофазатининг талабларидан биридир. Яна айтишим мумкин, бунда «украинча» услубни

кўраётганим йўқ. Лекин, фикримча, парламент республикасига барча табиий ресурсларни тўла давлат қўлига ўтказгандан кейингина ўтиш мумкин. Табиий бойликларнинг бари, стратегик ва муҳофаа тармоқлари тўла давлат тасарруфида бўлиши керак. Бу Россия учун узоқни кўзланган стратегик вазифадир. Бошқа барча соҳаларда эса давлат ташаббусни аллақачон жамият қўлига топшириши керак, шу жумладан, айтилиқ милитсия органлари ва жамоат тартибини сақлашни ҳам. Бизда милитсия ходимлари сони ҳаддан зиёд ортиқча. Губернаторлардан бирининг таърифига кўра, улар ҳатто текинхўр қатлам ҳам саналади. Назаримда, маҳаллий ўз-ўзини бошқариш даражасида «шериф»ларни сайлаш орқали тартибни таъминлаш мумкин. Яна йиғилган солиқлар ҳам маҳаллий ҳокимиятларда қолишига эришиш даркор. Бу шунга олиб келадики, одамларда халқ бошқарувининг сайланган органлари орқали бу пулларни нимага сарфлаш имконияти пайдо бўлади. Бу ҳолда парламент республикаси бўладими ёки йўқми, билолмадим. Нима бўлганда ҳам стратегик тармоқларни назорат қилиш президентнинг қўлида қолиши керак.

Тартибли муҳолифат тартибсиз муҳолифатга айланиб кетиши мумкинми, деган масала ҳам бор. Чунки кейинги пайтларда шу ҳол кузатилмоқда. Фикримча, жамиятда муҳолиф кучларнинг бўлиши шарт, Россияда деярли ҳамиша ҳукуматдан норози-лар кўп бўлган. Бошқача фикрловчи кишиларнинг бунчалик кўп бўлиши Россияда етарли эркинлик ҳолати мавжудлигини билдиради ва бу, менимча, ижобий жараён ҳисобланади. Биз Россиянинг ўз тарихини яратаётганига ишонамиз. Агар бир куни ҳокимият тўсатдан муҳолифатга берилгудай бўлса, унда Макфолга «таъзим»га бораётган анави бўрсикларга эмас, эс-хуши жойида бўлган муҳолифатга берилишини истаيمان.

Шахсан менинг Макфолга ҳеч қандай эътирозим йўқ. У бажариши лозим бўлган ишни адо этипти, унинг вазифаси ҳам шу. Айни пайтда Россия тақдири калитларини ғарбдаги қандайдир «шерик»ларга тутқазаётган анави одамлар ҳам мени таажжубга солмайди. Макфол Рим элчиси саналади, унинг бир бўлаги бўлишни хоҳловчилар эса унга таъзимга боришаётир. Унинг олдида эса, императорга хизмат қилишга ҳозир нозир, ҳалок бўлаётган ватани ҳақида мунофиқларча қайғураётган ва ватан фидойиларини нафрат билан ёмон кўрувчи Иосиф Флавийлар қатнапти.

(«IslamNews» сайтидан).

ҚУДДУС АМАКИНИНГ САБОҚЛАРИ

OLTINCHI SABOQ PAYG'AMBARIMIZ MUHAMMAD ALAYHISSALOM

Assalому alaykum, mening shirindan-shakar bolajonlarim! Ikkinchi mashg'ulotimizda sizlarga «La ilaha illallohu Muhammadur rasulullohu» degan kalimani o'rgatib, uning ikkinchi qismini keyingi darslarda tushuntirib beraman, degandim. Esingizdami? «La ilaha illallohu» degani «Allohdan boshqa iloh yo'q» degan ma'noni anglatishini bilib olgansiz, to'g'rimi? «Muhammadur rasulullohu» degani esa «Muhammad – Allohning rasuli, elchisi» ma'nosidadir. Beshinchi darsda aytganimdek, Muhammad alayhissalom – Allohning oxirgi payg'ambari. U kishidan keyin hech kim payg'ambar bo'lmaydi. Bu kishi yer yuzidagi hamma xalqlarga payg'ambar hisoblanadilar. U kishining nasihat va aytganlarini odamlar qiyomat bo'lguncha bajarishlari shart. Yuqoridagi kalimani aytish musulmonchilikning eng birinchi, eng zarur sharti degan edik, to'g'rimi? Demak, Payg'ambarimizning hamma aytgan gaplarini, o'rgatgan ishlarini qilish, qaytargan yomon ishlaridan qochish musulmonlarning eng zarur vazifalari ham bo'ladi.

Payg'ambarimiz insonlarning eng oliysi, eng hurmatlisi, eng odoblisi, eng suyuqliki bo'lganlari uchun u kishini juda hurmat qilishimiz, nomlari oldiga «Hazrati» so'zlarini qo'shib, nomlaridan keyin esa «alayhissalom», «sollallohu alayhi vasallam» degan sharaflar bilan hamisha but qilib aytishimiz kerak. Nomlarini toq aytish u kishiga nisbatan juda hurmatsizlik bo'ladi. Bu gapim doimo esingizda tursin, xo'pmi, shirintoylarim!

Endi sizlarga Muhammad alayhissalomning hayotlaridan o'ziga gapirib beray! Sevimli payg'ambarimiz milodiy 571 yili Makkada tug'ilganlar. Otalarining ismi Abdulloh, onalariniki Omina edi. Ota-onalari Makkadagi obro'li oilalardan bo'lganlar. Tug'ilmaslaridan ikki oy avval otalaridan, oiti yoshlarida onalaridan etim qoldilar. Sakkiz yoshgacha bobolari Abdulmuttalib, keyin esa amakilari Abu Tolib tarbiya qilishdi.

Muhammad alayhissalom yoshlikdan juda halol, to'g'ri so'z, pokiza inson bo'lganlar. Biror marta yolg'on so'zlamaganlar. Birovni so'kib-urmaganlar, qattiq gapirmaganlar. Boshqalarni aldamaganlar. Hatto yosh bolalarga ham birinchi bo'lib salom berganlar. Birovning bir so'm puliga yo moliga xiyonat qilmaganlar. Ana shunday yaxshi fazilatli inson bo'lganlari uchun u zotga qirq yoshga yetganlarida Alloh tomonidan payg'ambarlik berildi. Jabroil farishta Alloh tomonidan yetkazib kelgan vahiy (amr-farmonlar)ni Janobi Payg'ambarimiz barcha odamlarga yetkazib, ularni to'g'ri yo'lga, Allohning buyruqlarini bajarishga chaqira boshladilar. Ana shu to'g'ri yo'lga chorlash, Allohni tanitish «din» deyiladi. Bizning dinimiz esa «Islom dini» deb ataladi. Islom dinidagi kishilar musulmon deyiladi.



Ammo yomon, gunoh ishlarga o'rganib qolgan, hasad va ochko'zlikka botib ketgan, Islom dinining tarqalishiga qarshi bo'lgan Makkadagi Islom dushmanlari Hazrat Payg'ambarimizning aytganlariga ko'nishmadi. Aksincha, o'n uch yil mobaynida u kishiga ochiqdan-ochiq dushmanlik qilishdi. Musulmonlar boshiga hech kim ko'rmagan azob-uqubatlarni solishdi. Hatto u zotni o'ldirishga ham urinib ko'rishdi.

Nihoyat Allohning amri bilan musulmonlar, ya'ni Islom diniga kirganlar Makka shahridan Madina shahriga ko'chishdi. Bu ko'chish arabchada «Hijrat» deyiladi. Musulmonlarning hijriy yil degani ana shu voqeadan olingan. Janobi Payg'ambarimiz Madinada ham o'n yil tinmay ishladilar. Allohning buyruqlarini yoyib, Unga xizmat qildilar, odamlarni haqorat, zulm, nodonlik, haqsizlik, axloqsizliklardan qaytardilar. Dunyoga ilm, adolat, sadoat nurlarini tarqatdilar. 63 yoshlarida betoblanib Madina shahrida vafot etdilar. Hozir qabrlari o'sha yerda, o'zlari qurdirgan masjid ichiga joylashgan.

Bizning Hazrati Payg'ambarimiz ana shunday ajoyib inson bo'lganlar. Shuning uchun biz doimo u kishiga hurmat-ehtiromlar ko'rsatamiz. Aytgan hamma buyruqlarini bajarishga harakat qilamiz. «Bu ishni qilmang» degan bo'lsalar, aslo yaqin yo'lamaymiz. Ana shu harakatlarimiz Payg'ambarimiz sunnatlariga rioya etganimiz bo'ladi. Keling, qo'llarimizni ochib bir duo qilaylik: «Hammamizga Muhammad alayhissalom sunnatlariga, ya'ni ko'rsatmalariga rioya etish nasib etsin, Alloh taolo o'zining to'g'ri yo'lidan adashtirmasin!»

ИЛОҲИЙ ҲАДИСЛАР

Ҳазрати Али разияллоҳу анҳунинг Расули Акрам саллаллоҳу алайҳи васалламдан ривоят қилишига кўра Аллоҳ таоло шундай деб буюрган:
— Ло илоҳа иллаллоҳ калимаи шаҳодати менинг қалъамдир. Қалъамга кирган азобимдан эмин бўлгай.
(Ҳадисни Абу Нуайм, Ибн Нажжор ва Ибн Асокир ривоят этганлар).

Изоҳ: «Ло илоҳа иллаллоҳ» калимаи шаҳодати «Муҳаммадур-Расулуллоҳ» ҳам мутазаммин ва калиматайнин мажмуига ишора бўлганлиги учун ёлғиз ушбу қайд билан кифояланилди.

Анас ибн Молик разияллоҳу анҳу ҳазратлари Расули Акрам жанобимизнинг шундай деб буюрганини ривоят қилади: Аллоҳ таоло буюрмишки:
«Иzzатимга, жалол ва раҳматимга қасамёд қиламанки, «Ло илоҳа иллаллоҳ» деган ҳеч бир кимсани жаҳаннамга солмагайман».
(Таммом ва Муновий ривоят этганлар).

Шубҳа йўқки, мен Аллоҳман, мендан бошқа ҳақиқий маъбуд йўқдир. Раҳматим ғазабимдан илгари юргай. «Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқдир. Муҳаммад (алайҳиссалом) эса Аллоҳнинг Расулидир» дея шаҳодатда бўлган кимса жаннатга восил бўлгай».
(Дайлабий Ибн Аббос разияллоҳу анҳудан ривоят этган).

Жаноби Ҳақ.
«Ё Мусо! Агар еру кўк ва унинг ичидагилар, денгизлар ва унда мавжуд бўлганлар тарозунинг бир палласига ва Ло илоҳа иллаллоҳ» калимаи жалиласи эса тарозунинг бошқа кўзига кўйиб тортилса. шаҳодат калимаси оғир босгай»,— деди.
(Абу Йаъло Абу Саид ал-Худрий разияллоҳу анҳу ҳазратларидан ривоят этганлар).